



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 23-aprel, payshanba, 17 (597)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ПАРТИЯ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ ВА ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирокида барча ҳудудий ташкилотлар билан он-лайн тарзида ташкил этилган навбатдаги видеоконференция шу мавзуга бағишланди



Солиқ ЗОИР олган суратлар

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан қутловлар

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

- Жумладан:**
- Иордания Подшоҳи — Абдуллоҳ II бин ал-Ҳусайн
 - Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ва мудофаа вазири — Абдуллоҳ Энсур
 - Баҳрайн Подшоҳи — Ҳамад бин Исо Ол Халифа
 - Венгрия Президенти — Янош Адер
 - Болгария Республикаси Президенти — Росен Плевнелиев
 - Нидерландия Қироллиги Бош вазири — Марк Рютте
 - «Эйрбас Хеликоптерс» компаниясининг Европа бўйича раҳбари — Оливьер Мишалон
 - Собиқ конгрессмен, АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Халқаро муносабатлар қўмитасининг Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ва атроф-муҳитни глобал муҳофаза қилиш кичик қўмитаси раиси — Эни Фалеомаваега
 - «Италия-Ўзбекистон» қўшма савдо палатаси президенти — Луижги Иперти
 - Олий геосиёсий тадқиқотлар ва турдош фанлар институти президенти — Тиберио Грациани
 - «Ван де Виль» компаниясининг бош ижроичи директори — Чарльз Буадин

табрик йўлаган. Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Демократик кучлар блоки»нинг навбатдаги йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'zLiDeP ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари ўртасида тузилган «Демократик кучлар блоки»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди

Йиғилишда Президентимизнинг тарихий аҳамиятга молик нутқида биз танлаган ва дунёда «ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилаётган машҳур беш тамойил асосида мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий тараққиёти йўлида қўлга киритилган улкан ютуқлари ҳамда юксак марраларга эришиш мақсадида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар атрофида таҳлил этиб берилганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, маърузада жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, турли қарама-қаршиликлар тобора авж олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётган бир вақтда қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва беларволик кайфиятларига берилмасдан, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, модернизациялаш ҳамда демократлаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқувчи, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этишга қаратилган қатор устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

О'zLiDeP фракцияси раҳбари Солиқ ЗОИРнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш демократик ислохотларни жадаллаштириш, уларнинг самарадорлигини юксалтиришда бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлиқни янада оширишни талаб этади. Бу эса бир вақтнинг ўзида «Демократик кучлар блоки»нинг 2015 йилга мўлжалланган амалий ишлар дастурига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини ҳам тақозо этади. Шу боис, энг аввало, парламентнинг қонунчилик фаолияти билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

2015 йил – КЕКСАЛАРНИ ЎЗЎЗЛАШ ЙИЛИ

Шу кунларга етказганига шукр

— дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи 102 ёшли Нор ота Ҳожимамедов

Инсоният бошига қулфат ёғдирган Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ҳадемай 70 йил тўлади. Аммо унинг оғир асоратлари қалблардан ҳали-ҳануз ўчгани йўқ. Ўзбекистондан урушга кетганларнинг кўпчилигига она-юртига қайтиш насиб этмади. Самарқандлик Нор бобо Ҳожимамедов ҳам шулардан бири.

102 ёшни қаршилаган Нор ота билан суҳбатлашаркансиз, унинг гап-сўзларидан бугунги тинч, дориломон кунларга шукроналик туйғусини ҳис этасиз. — Айни навқиронлик даврим суронли йилларга тўғри келди, — дейди отахон. — Дастлаб фин урушида қатнашдим. Сўнгра Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Алоҳида бригада сафида Ғарбий Белоруссия frontiда жанг қилдим. Уруш ҳеч кимни аямайди. Шундай жанглар-

нинг бирида оғир яраланиб, хушимни йўқотибман. Сафдошларим мени ҳалок бўлди, деб ўйлашган бўлишса керак, уйимизга «қора хат» жўнатишибди. Ваҳоланки, мен тирик эдим...

Хуллас, урушдан эсон-омон қайтдим. Ўша кунларни эсласам, бир томондан жанггоҳларда кечган ёшлигим, иккинчи томондан сафдошларимнинг ёркин хотиралари кўнгилга тинчлик бермайди. Аммо умрим беҳуда ўтмаганидан тасалли топаман. Урушдан сўнг то нафақага чиққунча мамлакатимиз темир йўл тизимида хизмат қилдим. Бугун рафиқам билан фарзандлар ва неварачеваралар ардоғида кексалик гаштини сураяпмиз. Турмушдан, саломатликдан шикоятимиз йўқ. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик ту-

файли қўлга киритилган энг катта саодатдир.

Дарҳақиқат, Нор ота турмуш ўртоғи Гавҳар момо билан умргузаронлик қилиб, 4 ўғил ва 2 қизни эл қаторига қўшишди. Бугун улар 50 дан ортиқ неварачевара ардоғида.

— Болалигимда эски мактабда ўқиганман, — сўзида давом этади отахон. — У ертўладан иборат бўлиб, китоб-дафтар ҳақида орзу ҳам қилмасдик. Папка ўрнида оналаримиз тикиб берган латта жилдлардан фойдаланардик. Энди-чи? Мактаб остонасига қадам қўйган фарзандларга замонавий сумкадан тортиб, ўқув қуролларига бепул тортиқ қилинапти. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг билим олиши, етук ва малакали кадрлар бўлиб улғайиши учун барча

шарт-шароит яратилган. Ермулк ўз қўлимизда. Айтилик, ўғлим Алижон шаҳар четида боғдорчилик билан шуғулланади. Онаси иккимиз бориб, табиат кўйида дам олиб тураемиз.

2015 йилнинг Кексаларни ўз-ўзлаш йили деб эълон қилинишида чуқур маъно бор. Бу юртимизда миллий анъана ва қадриятлар тўла қарор топаётганидан яна бир бор далолат беради. Айниқса, биз — кексалар учун санаторийларда саломатлиқни тиклаш, бепул даволаниш учун янги имтиёзлар яратилганлиги янада қувонарлиқдир. Шуни ўйлаб, кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлади, Яратганга шукроналар келтирамиз. Давлатимиз раҳбари фармонига кўра, пенсиямизга устама қўшилгани эса кўнглимизни янада кўтариб юборди.

Бунёдкорлик қамрови кенгайиб бораёпти

Пойтахтимизда 2014 йилда 73 та объектда бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, 314 млрд. 102 млн. сўмлик маблағ ўзлаштирилди

Тошкент шаҳар ҳокимиятида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан кейинги 5 йилда қурилиш соҳасида олиб борилган ишларга бағишланди.

Тадбирда ОАВ вакиллариغا ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа объектларини белгиланган мuddатларда фойдаланишга топшириш, архитектура ва шаҳарсозлик талабларига тўлиқ риоя этиш ҳамда капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, инвестиция даври мuddатларини қисқартириш бўйича қилинган ишлар хусусида атрофлича ахборот берилди.

Жумладан, 2010-2014 йилларда 68 та умумтаълим макта-

би, 55 та ўрта махсус муассаса, 12 та академик лицей, 35 та соғлиқни сақлаш объекти, 54 та мусиқа, санъат ҳамда спорт мактаби, 10 та «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ва яна бир қанча давлат объектида капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилгани қайд этилди.

— Биргина 2014 йилнинг ўзида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 314102 млн. сўм ўзлаштирилиб, 73 та объект фойдаланишга топширилди. — деди анжуманда мазкур компания директори Собиржон Орипов.

Тадбир сўнгиде ташкилотчилар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.



Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2015 йил 21 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қийматини белгилади.
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Австралия доллари	1956,02	1 АҚШ доллари	2507,40	1 Хитой юани	404,30	1 Польша злотийси	670,86	1 ЕВРО	2669,49
1 Англия фунт стерлинги	3749,06	1 Миср фунти	328,84	1 Россия рубли	49,62	1 СДР	3476,31	10 Жанубий Корея вони	23,16
1 Дания кронаси	362,17	1 Исландия кронаси	18,46	1 Украина гривнаси	119,07	1 Туркия лираси	935,60	10 Япония иенаси	211,04
1 БАА дирҳами	682,66	1 Канада доллари	2054,74	1 Малайзия ринггити	692,94	1 Швейцария франки	2629,68		

БУГУНГИ СОНДА:

МУНОСАБАТ
Ижодкор ёшлар ҳам бизнесни танлашяпти



ДЕПУТАТЛИК
ГУРУҲЛАРИДА
Масъул ходимлар ҳисоботлари тингланди



ҚУЙИ
БЎҒИНЛАРДА
Натижанинг қандай бўлиши ташаббус ва ишчанликка боғлиқ



ФУТБОЛ
Миржалол ҚОСИМОВ:
«Муҳлислар кайфиятини кўтарамиз»



ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



«Демократик кучлар блоки»нинг навбатдаги йиғилиши

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

— Мазкур ҳужжат қуйи палатада «Демократик кучлар блоки»ни ташкил этган О'зЛиДеР ва «Миллий тикланиш» ДП Сайловолди дастурлари асосида шакллантирилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳақимов. — У асосан уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, иккинчи қисмда давлат бошқаруви ва жамият қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва сўнги қисмда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, фуқароларнинг, хусусан, шахсий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида биргаликда бажаришимиз лозим бўлган тадбирлар белгилаб олинмоқда. Ушбу йўналишда асосий эътибор 15 га яқин қонун лойиҳасини тайёрлашга қаратилаётган. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этишга қаратилган «Иқтисодий фаолият, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва прокуратура органлари роли оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги лойиҳалар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан устуворлигига қарамадан, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, аввало, мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечимини топмапти. Президентимиз маърузасида ана шу ҳаётий муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилиб, иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш кўрсатилган. Бу борадаги вазифаларни бажариш мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остидаги товарларнинг жаҳон ва минтақавий бозорларга кенг кириб боришини таъминлаш, sanoatни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш каби масалалар билан узвий боғлиқдир.

Демократик блок бу борадаги ислохотларни янада жаддаллаштириш мақсадида Иқтисодиёт вазирининг замонавий қурилиш ва пардозлаш материалларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳолати ва истиқболлари тўғрисидаги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя этилиши ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитишни мақсад қилмоқда.

— Умуман олганда, дастурда қайд этилган ҳар бир вазифа Демократик блокни ташкил этган иккала партия, хусусан, О'зЛиДеРнинг Сайловолди дастурида белгиланган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусан, қишлоқ ҳўжалигининг асосий маҳсулотларини етиштираётган фермер ҳўжаликлари фаолиятини ривожлантириш каби устувор вазифаларга тўла мос келади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Ойбек Жумаев. — Ҳақиқатан ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги эвазига мазкур соҳа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга қишлоқ турмуш тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бораётган. Умуман олганда, Президентимиз маърузаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган дастур ижроси демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, уларнинг самарасини юксалтиришда дастуриламал вазифасини ўтайди.

Мажлис иштирокчилари томонидан айна шу каби ислохотларни амалга ошириш ҳисобидан мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари кузатилаётгани эътироф этилди. Жумладан, кейинги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8 фоздан ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Бу рақамлар ортида эса Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли тизимли ишлар, парламент томонидан тасдиқланган ҳукумат дастурлари туридiki, уларнинг самарали амалга оширилиши Демократик блокка катта масъулият юклайди.

Йиғилиш якунида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан «Демократик кучлар блоки»нинг қарори қабул қилинди.

ПАРТИЯ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ВА ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Анжумани кириш сўзи билан очар экан, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев иккита муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда эришилган галабалар, ўз навбатида, партия фаоллари зиммасига катта масъулият юклашини алоҳида таъкидлади. Ана шу юқсак ишончини оқлаш, сайловчиларга берилган ваъдаларни тўла-тўқис бажаришга астойдил ҳаракат қилиш ҳар бир маслақдошимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Демак, партия кенгашидан кўра кўпроқ ва самаралироқ ишлаши, ҳозиргидан-да юқори натижаларга эришиши шарт. Бугунги шиддаткор замонда сиёсий куч сифатида етакчи мавқени ушлаб қолишнинг бошқа иложи ҳам, чораси ҳам йўқ.

— Шундай экан, Исломо Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ла-

то қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишгача бўлган жараёнларда БПТлар, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари, парламентдаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг ҳар бири фаол иштирок этсин. Депутатлик назорати ва қонун ижодкорлигида мана шундай механизмдан фойдаланиш энди фаолиятимизнинг ўзак-негизини ташкил этиши керак, деб ҳисоблайман.

Видеоконференция иштирокчиларининг фикрича, бу борада амалга ошириладиган ишларнинг дастлабки босқичида ҳудудларда озиқ-овқат sanoati соҳасидаги 1292 та инвестиция лойиҳаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш дастурига кўра 2015 йилда ташкил этилиши режалаштирилган 21231 та кўп тармоқли фермер ҳўжалигида интенсив боғ, янги тоқзорлар, чорвачилик ва сервис хизматларини йўлга қўйишга доир лойиҳалар

равишда кўпаяди, 16376 та янги иш ўрни яратилади.

Кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш дастури эса жами миқдори қарийб 934 млрд сўм бўлган 22 минг 500 дан ортиқ лойиҳани ишга тушириш орқали 94 мингга яқин янги иш ўрни яратишни кўзда туттади.

Бир сўз билан айтганда, электротармоқ манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, улар ўртасида шаклланган

борган назорат-таҳлил фаолияти, ўтказилган эшитув ва юборилган сўровлар якунлари маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилишига эришимиз лозим. Тадбиркор ва фермерлар айна пайтда ўз соҳасининг амалиётчилари эканини ҳисобга олиб, уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларига дахлдор қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасида фаол иштирок этишини таъминлаш ҳам долзарб вазифалардан

— ФАОЛ ВА ТАЪСИРЧАН ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ИФОДА ЭТАДИГАН ҚОНУНЛАР ҲАМДА ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРО ҲОҚИМИЯТИ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛИШИ БОРАСИДАГИ МАЪСУЛИЯТНИ ОШИРИШНИ НАЗОРАТ ТУТМОҚДАМИЗ, — ДЕЙДИ О'ЗЛИДЕР ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ БАХТИЁР МЕНГИЕВ. — ШУНДАЙ ЭКАН, ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИМИЗ ОЛИБ БОРГАН НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ, ЎТКАЗИЛГАН ЭШИТУВ ВА ЮБОРИЛГАН СЎРОВЛАР ЯКУНЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР СЕССИЯЛАРИ КҮН ТАРТИБИГА КИРИТИЛИШИГА ЭРИШИШИМИЗ ЛОЗИМ.

муносабатларни янада муностаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариш партияимизнинг кундалик устувор вазифасига айланиши даркор. Депутатларнинг ўзлари бириктирилган лойиҳалар ижроси устидан самарали назорат олиб боришига юқсак партиявий масъулият билан ёндашишни таъминлаш ва ушбу жараённинг таъсирчанлигини ошириш ҳам ҳақиқатда диққат марказида бўлмоғи зарур.

Алоҳида депутатлар ва партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти фақат мана шу лойиҳалар ижросини назорат қилиш билан чегараланиб қолмайди, албатта. Партиянинг сайловлардан кейинги ишининг асосий юки давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатлар зиммасига тушиши ҳам бежиз эмас. Ушбу муҳим вазифаларнинг бажарилиши, энг аввало, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг жойларда самарали назоратни ташкил этиши, фракция аъзоларининг эса қонун ижодкорлиги фаолиятида аяқол акс этади.

— Фаол ва таъсирчан депутатлик назорати деганда, биз электротармоқ манфаатларини ифода этадиган қонунлар ҳамда Президент фармонлари талабларининг жойларда ижро ҳоқимияти идоралари томонидан бажарилиши борасидаги масъулиятни оширишни назарда тутмоқдамиз, — дейди О'зЛиДеР Хоразм вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Менгилев. — Шундай экан, депутатлик гуруҳларимиз олиб

бирламчи вазифалар қаторига кўтарилиши шубҳасиз.

Бу борадаги фикрларга хулоса қиладиган бўлсак, партиядан сайланган барча бўгинлардаги депутатлар билан БПТларнинг бевосита ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида мувофиқдир. Уларнинг биргаликда ҳаракат қилиши, ҳамоҳанг фаолият юритиши туфайлигина самарали натижаларга эришиш мумкин.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2015 йилнинг июнь ойида ҳудудий партия кенгашларининг конференциялари бўлиб ўтди. Демак, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи раис ва унинг ўринбосарлигига номзодларни кўрсатишда уларнинг партия

роҳи ва мақсадларини, ташқи ва ички сиёсатни чуқур англай оладиган инсонлар бўлишига жиддий эътибор қаратиш зарур. О'зЛиДеРнинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, партия аъзоси бўлган ёшлар орасидан етуқ кадрларни тарбиялаш ва уларни мамлакат сиёсий саҳнасига олиб чиқиш даркор.

Кези келганда, жорий йилда ёшлар ва аёллар йўналишида олиб борилаётган ишлар янги босқичга кўтарилишини ҳам айтиб ўтиш лозим. Жумладан, ёшларда тадбиркорлик кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни кичик бизнесга жалб этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, навақирон авлод вакилларининг жисмонан ва маънан соғлом, юқори малакали, мамлакатни янада ривожлантириш масъулиятини ўз зиммасига оладиган мутахассислар қилиб тарбиялашга йўналтирилган янги лойиҳаларни амалга ошириш устувор вазифалар сирасига киради.

Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқени юксалтиришга қаратилган ишларимизни янада жонлантирган ҳолда ижтимоий-сиёсий фаол аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оналик ва oilаликни муҳофаза қилиш, oilаларнинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини



муностаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш бугунги кун талабидир.

Лекин аёллар қаноти фаолияти марказлаштирилган тартибда ўтказиладиган тадбирлар ва лойиҳалар билан чегараланиб қолмаслиги керак. Хотин-қизларнинг ҳаётий манфаатларига доир ишлар, айниқса, уларни тадбиркорликка йўналтиришга ташаббускор бўлишимиз керак.

Мулоқот давомида партиявий ишларда фаолликни рағбатлантириш, ижобий таъжрибаларни оммалаштириш мақсадида О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Жумладан, жорий йилда бошлб «Энг намунали БПТ», «Энг намунали туман оладиган инсонлар бўлишига жиддий эътибор қаратиш зарур. О'зЛиДеРнинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, партия аъзоси бўлган ёшлар орасидан етуқ кадрларни тарбиялаш ва уларни мамлакат сиёсий саҳнасига олиб чиқиш даркор.

Хуллас, мамлакат тарққиётини белгилаб беришни ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган партиянинг республика видеоконференцияси ана шундай қизгин нуқтада ниҳоясига етди. О'зЛиДеР фаолиятини бевосита кузатиб бораётган оммавий ахборот воситалари ходимлари эса «Энг намунали туман (шаҳар) партия кенгаши» танлови голибига бериладиган янги автомобиль қайси вилоятга йўл олиши мумкинлиги ҳақида ўйлай бошладилар. Зотан, танлов жойларда партиявий фаолият самардорлигининг кучайишига хизмат қилади.

Модомки, партиянинг ҳар бир фаоли ўрнатқ буларли даражада жонбозлик кўрсатиши ва минг-миглаб сайловчиларнинг О'зЛиДеРга билдирган ишончини оқлашда муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Замонавий автовулоқ ўз эгасини толган пайт эса галвир сувдан кўтарилганини англайди. «XXI asr» бу ҳақда албатта бизга биринчи бўлиб хабар беради.



возимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлиси ҳамда партияимизнинг VII Съездидаги маърузалари, Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларини ҳаётга самарали татбиқ этиш, аввало, партиянинг барча тузилмалари, жумладан, депутатлик корпуси, БПТларнинг бир ёқадан бош чиқариб, яқдил ҳаракат қилишини талаб этади. Ана шундай аниқ механизмни шакллантириб олиш, хусусан, устувор вазифаларимиздан бири бўлиши аграр соҳани модернизациялаш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш масаласида уни қўллаш бугунги мулоқотнинг бош мавзулари сирасига киради. — деди С.Турдиев. — Шундай тизим яратилиши керакки, унда партия ҳаётига доир энг кичик масалалардан тортиб

ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини олиб бориш мақсадида мувофиқдир. Жорий этилаётган партиявий назорат механизмнинг моҳияти шундан иборатки, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига О'зЛиДеРдан сайланган 2113 нафар депутат ўзи сайланган ҳудудда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларни назорат қилиш учун бириктирилиб, ишининг бориши ҳақида депутатлик гуруҳлари йиғилишларида ҳисобот бериб турадилар.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, биргина озиқ-овқат sanoati корхоналари томонидан ҳаётга татбиқ этиладиган лойиҳаларнинг умумий қиймати 689 млрд. 578 млн. сўм ва 17 млн. 432 минг АҚШ долларига тенг. Уларнинг муноғи мулоқотнинг бош мавзулари сирасига киради. — деди С.Турдиев. — Шундай тизим яратилиши керакки, унда партия ҳаётига доир энг кичик масалалардан тортиб

Замон талабларига жавоб бериши керак

Юртимизда ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлимини янада яхшилаш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, кичик бизнес йўналишида янги иш жойларини очиш орқали хусусий секторда аҳолининг бандлик даражасини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

Бу борада, айниқса, мамлакатимиз ҳудудларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган sanoat корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш долзарб аҳамиятга эга. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, пойтахтимизнинг ўзида 2015 йилга белгиланган чора-тадбирлар доирасида 983 та янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилганини кўришимиз мумкин. Уларнинг вақтида бажарилишини назорат қилиш эса ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зим-

масига олган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг фаолият самарадорлигини янада кучайтиришни талаб қилади.

Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари пойтахтнинг жорий йилдаги инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ташаббускорлари, яъни тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида бириктирилди.

Улар партия ташкилоти ёрдамида инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари билан бевосита алоқа боғлаб,



қилинаётган ишларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан депутатлик назоратини ўрнатдилар. О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида юқорида тилга олинган вазифаларни бажариш-

нинг амалий механизмлари яна бир бор таҳлил қилинди. Тадбирда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги фармонининг Тошкент шаҳридаги, «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорининг Бектемир ва Юнусобод туманларидаги ижроси юзасидан мутасаддилар ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, уларга тўлиқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини янада кенгайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Тошкент шаҳрида тадбиркорлик субъектларини давлат

рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш, ҳўжалик низолатлари кўриб чиқиш, ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсатнома бериш, электр тармоқларига уланишда «бир дарча» тамойилларини оммалаштириш ҳақида бундай шартларда амалга оширилаётгани, шу билан бирга, ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати ва бизнесни юритиш шароитларини замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш борасида олдимизда турган вазифалар, давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг контактсиз шакллари самарали ишлатиш каби масалалар муҳокама қилинди.

▶ ПАРЛАМЕНТДА

Ветеринарияга оид қонунчилик такомиллаштирилади

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йигилишида «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Алоҳида таъкидланганидек, амалдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонунга 1993 йилдан буён уч мартаба қўшимчалар киритилган. Лекин улар тизимдаги таркибий ўзгартишлар билан боғлиқ бўлган, ҳолос. Шунинг учун ҳам бугун ветеринария тизимини такомиллаштириш, соҳада хизмат кўрсатиши жаҳон стандартларига мослаштириш, ветерина-

рия фармацевтикасига оид муносабатларни тартибга солиш, ветеринария-санитариясини кучайтириш масалалари қонунда аниқ акс этиши давр талабидир. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қонунда ветеринария хизматида бошқа вазирилик ва идоралар билан ҳамкорлик, ветеринарияда қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солуви ҳуқуқий меъёрлар мавжуд эмас.

— Қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган мазкур қонун лойиҳасининг мақсади инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан аҳолини муҳофазалаш, ягона давлат ветеринария назоратини амалга оширишдан иборат, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Рустам Қобулов. — Бу эса партия фаолиятининг устувор йўналишларидан саналган фермер хўжалиқларини ривожлантириш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамоҳангдир. Таъкидлаш жоизки, қонуннинг янги тахририга ветеринария соҳасидаги асосий тушунчаларнинг атамалари ҳам киритилмоқда. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик хузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, жойлардаги мутасадди идораларнинг ваколатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокати белгиланган мод-

далар билан бойитилмоқда. Умуман, қонунга ветеринария барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган ўндан ортиқ янги модда киритилиши баробарида хусусий ветеринария хизматларига кенгроқ ваколат берилмаётган. Яъни, унда эпизоотик тадбирларни амалга оширишда давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш масалалари бўйича талаблар акс эттирилмоқда.

Кун тартибидеги мавзу юзасидан ўз муносабатини билдирган депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилишга қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини парваришлаш, биологик ва чорвачилик чикиндиларини қайта ишлаш, сақлашга нисбатан ветеринария-санитария қондалари ва меъёрлари билан тўлдирилган фермер хўжалиқлари фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Масалала партия позицияси нуктаи назаридан ён-



дашган О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқуловнинг фикрича, мазкур ҳужжатдаги нормалар фақатгина соҳа вакиллари учун эмас, балки барчага бирдек тушунарли бўлмоғи лозим. Шу боис нормаларни имкон қадар содда тилда баён этиб, унинг моҳиятини қишлоқ мулкдорларига тушунтириш зарур. Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси О'zLiDePнинг ижтимоий-иқтисодий соҳа-

даги мақсад ва вазифалари билан уйғун эканлигини қайд этган ҳолда уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, йигилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича қўриб чиқилди ва кун тартибидеги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.



Солтқ.ЗОИР олпан оураблар

▶ 2015 ЙИЛ – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Дуо олган кам бўлмайти

Тадбиркор Фахриддин Турсунов 3-Қоратепа сайлов округидан халқ депутатлари Касби туман кенгашига сайланган депутат сифатида ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, ёш авлоднинг пухта билим олишига кўмаклашиш, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Касб-хунар коллежлари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ҳамда кўрик-танловларга ташкилотчилик ва ҳомийлик қилиб келаяпти.

Ўз мухбиримиз

Яқинда депутат яна бир эзгу ишни амалга оширди. Қаровсиз ҳолга келиб қолган Қоратепа қишлоқ врачлик пункти биноси депутатнинг саъй-ҳаракати билан тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Унинг очилиш маросими қишлоқ аҳли учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

— Кексаларга ҳурмат-эътибор, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгургани қувонарли, албатта, — дейди 95 ёшли Зайнаб мома Бобоева. — Юртбошимиз таклифи билан жорий йилга Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берилиши ушбу қадриятларга янги мазмун бағишлади. ҚВПнинг қайтадан иш бошлагани қалбимизни қувончга тўлдирди. Одам ёши ўтгандан сўнг йўл азобидан кўрқиб қоларкан. Энди шифонамиз оёғимиз тагида, бирор жойимиз безовта қилса, қийналмасдан тиббиёт ходимлари кўригига бора оламиз. Бунинг учун тадбиркор ўғлимиздан миннатдоримиз. Биз, кексалар унинг ишлари ривож топиши, соғ-саломат юриши учун доимо дуодамиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кенгайтирилади

Хоразмда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими томонидан «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг миқдор ва сифат ўзгаришлари: Хоразм вилояти мисолида» мавзусида конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вилоят ҳокими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, адлия бошқармаси, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари иштирок этган анжуманда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган илҳомли ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан юлғари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. — Бугунги кунда вилоятда 509 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият қилмоқда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлими раҳбари Илбў Абдуллаев. — Уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилаётган грант танловларида сўнгги беш йилда 269 ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар билан иштирок этгани фикримиз тасдиқидир. Тадбирда вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти, грант танловига қўлиб бўлган ННТлар тажрибалари, ҳудудий оммавий ахборот воситалари, партия ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар таҳлил этилиб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

А.ШОКИРОВ, Ўза мухбири.

Юз билан юзлашиш бахти

Солияжон ая якка-ю ягона қизи, турмуш ўртоғи Бердимуроддан қолган ёлғиз ёдгори, айрилиқдан азобланган кўзининг оқу қораси Тўхтажон мактабдан кўтаринки кайфиятда бир китобни кўтариб келган кунни ҳеч қачон эсидан чиқармайди

Янгибой КҶҚҚОРОВ,
«XXI asr»

У дарслик ё қўлланма эмас, атоқли шоира Зулфияxonимнинг шеърлар тўплами эди. Ушанда ўқувчи қиз онасига ўз халқининг тили ва дили деб ном олган, эл-юртнинг энг эзгу мақсад-муд-даоларини шеърга солган, бутун башарианиг оппоқ орузлари муҳрланган асарлари жаҳон минбаридан янтраган ажойиб ижодкорнинг қўйидаги ўтли сатрларини ифодали ўқиб берганди:

*Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туйфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам.*

Тўхтажон туғилганда Бердимурод 29, Солияжон эса 27 ёшда эди. Чақалқнинг киндигини кесган доя кампир Тўхтажон исмини таклиф қилганди. Боиси Солияжоннинг бундан олдин кўрган фарзандлари бир неча кунгина яшаган, сулув келинчакнинг оху кўзларини ёшлаган эдилар. Йўқ, бунисини умри билан берган экан, қизалоқ ойма-ой соғлом, дурун ўсиб ёшига тўлди. Аммо фарзандининг бир ёшга етган кунни Бердимурод кўролмади. Уруш деган балойи азим бу хонадондан ҳам «ота номли буюк шодлик»ни тортиб олди. Шoir ёзганидек, дунё нотинч бўлиб, одамларнинг боши устида ўқ учиб турса, снарядлар сели шаҳар ва қишлоқларнинг қулини кўкка соғурса, ичадиган бир пиёла чойинг ҳам заҳар заққумга айланар экан. Дерлар инсон боши қаттиқдир тошдан. Бошига тушган бут бўлиши учун тиним билмай тер тўқди. 1969 йилгача жамоа хўжалигининг ўти билан кириб кули билан чиқди. «Янгилик» қишлоқнинг қадди тикланиши, ораста кўргонга айланishi-га улушини қўшди.

Инсон ҳам даракхта ўшар, новда-ю бутуқлари кўпайиб бораверар экан. Бир фарзандидан 5 невара, 21 чевара, 7 эвара кўрди. Етмиш етти ёшига етганда набираси Бахтиёр Матжонов газетадан Ватан мустақил бўлгани ҳақидаги хабарни ўқиб берган, муаллима жияни истиклолнинг мазмунини шарҳлаганида Солияжон ая кўзларига ёш олган эди. «Бунга қувонис керак, момо. Сиз эса йилгалайсиз!», деган эди Бахтиёр. Қўшқўпир — Хоразмнинг энг йирик туманларидан. Пахтачилик илмининг мохирлари шу ердан чиққан. Масалан, дондор деҳқон Олтибой Қурбоновни

«пахтачилик профессори» деб аташарди. Аммо туман дарёдан олис ҳудудда, Қорақумнинг биқинида жойлашган. Сув сероб бўлган йиллари ҳам Ғазовт тарафларга оби-ҳаёт қийинчилик билан етиб келади. Нима бўлди, денг: ўшанда қўшқўпирнинг пахта режасини бажариши ҳар галгидан қийин кечди. Солияжонлар қор тагида қолган кўсаларни йиғиб олишаётган эди. У шу қадар шиддат билан ишладики, кунлик нормасини тушгача бажариб, бригада

ни Жунайид босди!» деб дир-дир титраганини, эски уйнинг тўрига олиб кириб, йиғлаганини элас-элас эслайди. Уруш даврининг тахир сувлари эсидан чиқармиди... Арпа ун тарқатилгани, уйдаги қорванинг бир зумда ғойиб бўлгани, кейин пахта...

Одамларнинг тушига ҳам «миллион» деган рақам кириб чиқарди. Мана, мустақиллик даври келди. Инсон манфаатлари бош мақсадга айланган давр. Невараси тадбиркор-лик иши очди. Мўмай фойда топди. Уй қурди, «Нексия» машинаси харид қилди. 1995 йили невараси Бекзод, 1997 йили Шерзод туғилди. Вақтнинг ўтишини қарангки, бугунги кунда Бекзод ҳам, Шерзод ҳам Ал Хоразмий ўтишини қарангки, бугунги кунда Бекзод ҳам, Шерзод ҳам Ал Хоразмий номидаги Урганч давлат дорил-фундунида ўқишади. Ўтган чоршанба кунини пешинда Шерзод «Янгилик»жа қовлиқиб, фавқулодда ҳаяжон билан қайтди.

— Момо, момо, янгилик бор! — деб қичқирди. — Тинчликми, болам? — Тинчлик, тинчлик. Президентимиз ПЕНСИЯНГИЗГА ПЕНСИЯ ҚЎШИБДИ!

бошлиги ва ҳисобчидан нон ёпиш учун рухсат сўради. Холаси тўй бошлаган, унга бир тандир нон ёпиб бериш фарзу қарз эди. Тандир ҳам янги, Хонқанин Мадир қишлоғидаги машхур уста қуриб берган. Эндигина қип-қизариб пишган икки нонни узиб олганида уйнинг ёнига «Пикап» машина келиб тўхтади. Ундан мошранг кителъ ва галифе шим, шол этик кийган икки киши тушди. Хоразмда келинчаклар, наинки уйнинг ёнига келган, балки кўчадан ўтаётган одамга ҳам тандирдан янги узилган нонни тугтиб: «Ассалому алайкум! Нон энг!», дейди. Солияжон ҳам шундай қилди. Аммо олдида келаётган гавдали, қориндор одам нондан тотиш ўрнига тандирни тепиб йиқитди. Солияжонни бўрала-тиб сўқди. Ёнидаги бош агрономга ҳам бақирди. Машинага қикди-да, бош зироатчи ҳам ташлаб кетиб қолди. Солияжон бир тоғора зуваланган ҳамир билан анграйиб қолаверди. Шу аламли дамлар эсига тушиб, Бахтиёрдан:

— Юрт ўзимизга қолдимки, болам? — деб сўради. — Ҳа, момо! Эртасига буви Шовотга, Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳига, ундан Хи-вага, Паҳлавон Маҳмуд сағанасини тавоф қилишга борди. Чунки аввалги замонда у ерларга бориш тақиқланган эди. Уйда эри Бердимуродни эслаб «худойи» берди. Ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ. Кўпкам келганида сумалак қайнатди. Биров танабёх берадимки, деса, аксинча, туман га-зетасида мақола чиқариб мақташди. Солияжон ая Жуманиёзова 1914 йилда туғилган. Онаси «Қишлоқ-

Ишбилармонлар байрами

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари юксак савияда ташкил этилапти

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Худудларда кичик бизнесни рағбатлантирувчи муҳит яратиш, мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятида илғор тажрибаларни оммалаштириш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини ре-клама қилишга кўмаклашиш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг Қарши шаҳар босқичида 60 нафар ишбилармон иштирок этди. Хусусан, ёш тадбиркор Ситора Рауфова ишлаб чиқараётган спорт кийимлари ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилган бўлса, 40 турга яқин спорт жиҳозлари ва инвентарлари ишлаб чиқараётган «Насаф металл» МЧЖ «Йилнинг энг яхши тадбиркори», сопол ва чинни буюмларга безак бериш мақсадида таъсирлар Файзи Манзаров эса «Йилнинг энг яхши хунарманди» деб топилди.

Танловнинг Китоб туман босқичида 50 нафардан ортиқ тадбиркор, фермер ва хунарманд ўз маҳсулотларини намойиш этди. — Ўтган йил давомида жамоамиз томонидан 6 млрд. сўмликдан ортиқ қурилиш-пу-

драт ишлари амалга оширилди, — дейди «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича голибликни қўлга киритган «Воҳа машъали» қурилиш корхонаси бошлиғи Санжар Ғаниев. — Бундан ташқари, замонавий технология асосида 35 тонна микро-кальцит, 175 тонна лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқардик. Берилаётган имтиёзлар ишимизни ривожлантиришга яқиндан кўмаклашмоқда.

Миллий уйинчоқлар тайёрлашни йўлга қўйган Азиза Муродова «Йилнинг энг яхши хунарманди», боғдорчилик ахтисослашган «Бердиев Бурхон Авлаёрович» фермер хўжалиғи «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича голибликни қўлга киритди. Танлов жараёнларида ҳозир бўлган банк ва солиқ идоралари вакиллари тадбиркорлик билан шуғулланоқчи бўлган ёшларга фаолиятни бошлаш хусусида тавсиялар бермоқдалар. Корхона ва ташкилотлар томонидан мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар ҳам тақдим этилаётди.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарёда ўтказилаётган кўрик-танловнинг қуйи босқичлари вилоят ишбилармонларининг ҳақиқий байрамига айланади.

Маҳсулотининг 80 фоизи — экспортга

Гулистон шаҳрида «Neo Cotton» масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 7,5 миллиард сўмга тенг лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 30 нафар йигит-қиз муқим иш билан таъминланди. — Италия технологияси бўйича ишлайдиган тўқув дастгоҳларини олиб келиш учун «Асака» банкнинг вилоят бўлими томонидан йўналтирилган сармоядан фойдаландик, — дейди МЧЖ раиси Санжар Худойбердиев. — Мижозларга ҳар кунни 30 турдаги 7-8 минг жуфт эркаклар ва аёллар пайпоқлари етказиб берилмоқда. Айни кунда 73 та тўқув дастгоҳи бор. Келгусида уларнинг сонини 150 дан ошириб, кунлик ишлаб чиқариш қувватини 200 минг жуфтва етказишни режалаштирганимиз. Энг муҳими, корхонамизда тўқилаётган маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

Дилора ЭСОНОВА.



Ижодкор ёшлар ҳам бизнесни танлашапти

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтимидаги «Ёшлар ижод саройида» «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигида «Ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи» мавзусида анжуман ўтказди. Унда партия Сийёси Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳи вакиллари, «Зулфия» номидаги Давлат муқофоти совриндорлари иштирок этишди. Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мустақиллик йилларида олиб борилган тадрийжий ислохотларнинг мантйик давоми сифатида ушбу жараённинг янги босқичини бошлаб берди. Очиқ мулоқот ва мунозара тарзида ўтган анжуманда ижодкор ёшларга бизнеснинг энг нозик сирлари, илгор тадбиркорларнинг тажрибалари ҳақида атрофлича маълумот берилиши баробарида соҳага оид қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Тадбир доирасида ўз фаолияти давомида катта ютуқларга эришган иқтидорли ёшлар томонидан ўзинга хос кўргазма ҳам ташкил этилди. Унда халқаро танлов ва мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган навқирон авлод вакиллари ижод намуналари, нуфузли муқофотлари намойиш этилди.

Шухрат РАҲИМОВ.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Жамоатчилик эшитуви

Жорий йилда Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 503 миллиард сўмлик 1656 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 22 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади

Мухриддин НУРМАНОВ,
«XXI asr»

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги жамоатчилик эшитувида ана шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

Унда Сурхондарё вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Сайдулла Холиқовнинг ҳудудда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритилаётган сармоялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш масаласига бағишланган ҳисоботи муҳокома этилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва фаол диверсификациялаш, тармоқларо саноат кооперациясини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар соҳани янада юксалтириб, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бир пайтлар аграр ҳудуд бўлган Сурхондарёда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналар барпо этилди. Рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб бораёпти. Айниқса, пахта толаси ва пилла хом ашёси қайта ишланиб, экспортбон тайёр маҳсулот тайёрланаётгани, қурилиш материаллари, фармацевтика, мебель, чарм-пойафзал, машина-созлик ва эҳтиёт қисмлар, енгил саноат йўналишларида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани эътиборга молиқдир.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йилнинг ўзида воҳода 314,6 миллиард сўмлик

мингдан зиёд лойиҳа ишга туширилиб, 19 минг 326 та янги иш ўрни яратилганини кўришимиз мумкин. Саноат соҳасида қиймати 142,6 миллиард сўмлик 455 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши туфайли саккиз мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. 130,6 миллиард сўмлик 178 та лойиҳа модернизация қилиниб, техник ва технологик қайта жиҳозланди. Жумладан, кимё ва нефть-кимё саноатида 16 та, қурилиш материаллари бўйича тўртта, мебель ва қоғоз соҳасида 43 та, озиқ-овқат саноатида 97 та, текстиль ва тўқимачилиқда 78 та, фармацевтика ва чарм-пойафзал саноатларининг ҳар бирида иккитадан лойиҳа амалга оширилди. Термиз туманида нефть чиқиндиларини қайта ишлаш, вилоят марказида инъекция шаклидаги дори воситалари, эркаклар пойафзали, Жарқўрғон туманида мато ишлаб чиқариш, Термиз шаҳрида гўштни қайта ишлаш, Узун туманида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бундан 20-25 йил аввал вилоятда саноқли саноат корхоналари фаолият юритган бўлиб, асосан пахта хом ашёсидан тола ишлаб чиқарилган ёки қишлоқ ҳўжалиги техникалари таъмирланган. Эндиликда воҳанинг хом ашё захира-ларидан самарали фойдаланиб, барча тармоқларни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Сайдулла Холиқов. — Масалан, ўтган йили амалга оширилган лойиҳалар вилоятда қурилиш учун зарур локбўёқ ишлаб чиқаришга кенг йўл очди. Енгил ва юк машиналари учун мотор мойлари, эркаклар ва аёллар пойафзали, бўз, сатин тайёрлаш ўзлаштирилди.

Хуллас, ўтган йили қишлоқ ҳўжалигида қиймати 51,9 миллиард сўмлик 623 та, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида 120 миллиард сўмликдан ортиқ 831 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, миллий иқти-

содиётимиз барқарорлиги, юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига йўналтирилди. Жорий йилнинг дастлабки ойларидан вилоятда ўттиз турдаги музқаймоқ, хорижликдан қолишмайдиган ранг-баранг чинни буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳам бунга яққол мисолдир.

Жамоатчилик эшитувида маҳаллийлаштириш дастури ҳамда тармоқлараро саноат кооперациясининг соҳани янада ривожлантириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни рағбатлантиришдаги аҳамияти ҳақида кенг фикр юритилди.

Йиғилишда депутатлар вилоятни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси ва дуч келинаётган муаммолар таҳлилига алоҳида аҳамият қаратдилар. Мазкур дастурга мувофиқ, бу йил қиймати 503 миллиард сўмлик 656 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 22 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Жамоатчилик эшитувида халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устуңлигини кўрсатмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси Олим Соибназаров партиянинг Сайловоти дастури, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳа ташаббускорларига ҳар тарафлама қўмаклашиш таклифини илгари сурдилар. Лойиҳаларни молиялаштириш, молия муассасаларининг кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш каби масалаларда маҳаллий депутатлар назоратини ўрнатишга келишиб олинди. Ана шу мақсадда депутатлар ҳудудларга бириктирилиб, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва

вилоят кенгаши сессияларидан бирига олиб чиқиш тавсия этилди.

— Президентимизнинг мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янгулари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган



Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устуңлигини кўрсатмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси Олим Соибназаров партиянинг Сайловоти дастури, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳа ташаббускорларига ҳар тарафлама қўмаклашиш таклифини илгари сурдилар. Лойиҳаларни молиялаштириш, молия муассасаларининг кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш каби масалаларда маҳаллий депутатлар назоратини ўрнатишга келишиб олинди. Ана шу мақсадда депутатлар ҳудудларга бириктирилиб, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва

Маълумки, мансабдор шахслар ҳисоботлари эшитуви депутатлик назоратининг самарали шаклларида бири. У депутатлик назоратини кучайтириш, тегишли маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, мавжуд камчиликлар, муаммолар юзасидан зарур таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Шу боис Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси эшитувларнинг аҳамиятини ошириш мақсадида депутатлик гуруҳларига мунтазам равишда партиявий кўрсатмалар бермоқда. Депутатларимиз эса ўз ваколатларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ў ёки бу соҳаларини тартибга солишга хизмат қилаётган норматив ҳужжатларнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан жойларда қандай бажарилаётгани юзасидан назорат ўрнатишда фаоллик кўрсатаётдилар.

Масъул ходимлар ҳисоботлари тингланди

рат банклари кредитлари ҳисобидан 46572 млн. сўмлик 66 та лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилиб, 2727 та иш ўрни яратиш белги-ланганлиги тўғрисида ахборот берди. Чунончи, сервис соҳасида қиймати 34795 млн. сўмлик 26 та лойиҳанинг ҳаётга татбиқ қилиниши режалаштирилиб, 1466 та янги иш жойи очилиши мўлжалланган.

К.Эшимов жорий йилнинг 25 март ҳолатига шаҳарда умумий ҳажми 7150 млн. сўмлик 4 та лойиҳа амалга оширилганини таъкидлади. «Саиджон Муҳаммаджон музқаймоқлари», асфальт тайёрлашга ихтисослашган «Жануб универсал қурилиш», профнастил ишлаб чиқарувчи «Нодирбек Термиз» ҳамда «Кеймиз Бунёд Само» масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир. Айни пайтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳа — «Сурхон Термиз чинни» М-Ж фаолияти йўлга қўйилиб, 150 та доимий иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ҳокимлик вакили депутатлар эътиборига фаолиятини тўхтатган ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирган корхоналарни тиклаш, молиявий соғломлаштириш дастури доирасида бажарилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларни ҳам ҳавола этди.

Халқ депутатлари Бойсун туман кенгашида ҳам партияимиз депутатлик гуруҳи аъзолари иштирокида туман ҳокимлигининг Иқтисодиёт бўлими бошлиғи Комил Ашуровнинг 2015 йилдаги инвестициявий лойиҳаларнинг ижроси хусусидаги ҳисоботи тингланди. Қайд этилганидек, Бойсунда 2014 йилда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 21170 млн. сўмлик

152 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши туфайли 1418 та янги иш ўрни барпо қилинган. Лойиҳалар белги-ланган мuddатларда амалга оширилиши учун тадбиркорларга қўллаб-қўллаб кредитлар ажратилгани диққатга сазовор. Масалан, «Жий-дали Бойсун» хусусий фирмасига 250 млн. сўмлик кредит ажратилган. Айни кунларда мазкур фирмада Хитойдан пластмасса идишлар ишлаб чиқарувчи замонавий технология олиб келиниб, ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди. «Мўмин» кичик корхонасига эса 600 млн. сўм миқдорда кредит берил-сослашган «Жануб универсал қурилиш», профнастил ишлаб чиқарувчи «Нодирбек Термиз» ҳамда «Кеймиз Бунёд Само» масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир. Айни пайтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳа — «Сурхон Термиз чинни» М-Ж фаолияти йўлга қўйилиб, 150 та доимий иш ўрни яратилди.

Мухтасар айтганда, юқорида баён қилинганлар партияимиз депутатлик гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги фаолият кўламини борган сари кенгайтириши, изчиллик касб этаётгани, улардаги масъулият ҳисси кучаяётганини кўрсатади.

Ўқтам АЛИБОВ,
Дипрабо РАҲМОНОВА,
O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходимлари.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИ: ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидан O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ана шу мавзуда анжуман ўтказилди

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мустақиллик йилларида олиб борилган тадбирнинг ислохотларнинг мантиқий давомий сифатида бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб бергани алоҳида таъкидланди. Ёшлар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонунлар ва қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

— Қолаверса, йилларга ном беришда ҳам ёшларнинг манфаатлари эътиборга олингани, бу борада аниқ мақсадларга қаратилган Давлат да-стурлари қабул қилингани ўсиб келаётган авлод келажаги учун қандай улкан ишлар олиб борилаётганидан далолатдир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси З.Ханиязов. — Қувончлики, бугунги кунда мамлакатимизда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий юксалишларда ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидир. Улар томонидан эришилган ютуқлар ҳуқуқимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, жорий йил Нукус шаҳри марказида «Ёшлар маркази» биноси барпо этилди. Бу мажмуа ёшларнинг ижтимоий шаклланиши, камол топиши, яратувчанлик қобилияти юзгага чиқишига хизмат қилади.

Ташкил этилган анжуманда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишини кучайтириш, айниқса, коллеж битирувчиларини партиявий лойиҳаларга жалб этиш, интилиш ва изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири экани қайд этилди.

Анжуман давомида ҳар йили ўтказиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Ёш олимлар ва мутахассислар», «Хавфсиз интернет» ва «Келажақ фермери» лойиҳаларининг тақдироти намойиш этилди.

Талаба ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан соҳа мутасаддиларига мурожаат қилиб, очиқ мулоқотга киришишди.

Ўз муҳбиримиз.

Талабалар саволлари жавобсиз қолмади

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ёшлар қаноти» томонидан «Таълим тизимининг иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш талабларига мослиги: эришилган натижалар ва вазифалар» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, сиёсатшунос олимлар ва талабалар иштирок этди

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шо-маров таъкидлаганидек, ҳар томонлама баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни воғга етказишда таълим-тарбия жараёнларининг замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани, бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир.

O'zLiDeP ўз Сайловотида дастурида таълим тизимида ислохотларни чуқурлаштириш орқали ушбу соҳанинг юқори халқаро мезон ва стандартларга мослигини таъминлаш масалаларини илгари сурди. Хусусан, мактабгача ва олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантиришга қўмаклашиш,



миллий дипломларимизнинг хорижда тан олин-иши таъминловчи модул тизимини ўқув жараёнига киритишни жадаллаштириш тарафдоридир.

Тадбирда таълим тизимининг иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш вазифаларини самарали ҳал этишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ушбу мақсадда, хусусан, тадбир иштирокчилари томонидан олий таълим муассасалари ва лицейлар билан ки-

чик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари кооперациясини ривожлантиришга доир халқаро тажрибаларни ўрганиш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларида ҳам бир қатор амалий таклифлар илгари сурилди. Шу билан бирга, ОУЮда инновацион технологияларни ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларига кенг жорий этиш бўйича марказлар, ёш олимлар клублари ташкил этишга ҳам алоҳида

эътибор қаратилди. Семинарда интеллектуал салоҳияти юксак ёшларнинг фаолият соҳаси бўйича электрон базасини яратиш, уларнинг гоёларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш борасида фикр алмашилди.

Конференцияда талабаларни қизиқтирган саволларга депутатлар томонидан атрафлича жавоб қайтарилди.

Интернетни тақиқлаб бўлмади

Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида партиянинг «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида «Интернет маданияти: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда глобаллашув жараёни кечётган айни кунларда турли кучлар ўртасидаги сиёсий нурашлар гоё кескин тус олаётгани, айрим мамлакатларда интернетдан вайронкор гоёларни тарқатиш, ёшлар онига эўравонлик, шафқатсизлик ва ҳаёсизлик сингари иллатларни сингдириш каби қабиҳ мақсадларда фойдаланилаётгани тилга олинди. Давра суҳбатда таъкидланганидек, интернет энг замонавий ва тезкор ахборот алмашинув воситаси сифатида мамлакатимизда ҳам жадал ривожланмоқда. Хусусан, бундан қарийб йигирма йил аввал юртимизга кириб келган интернетдан бугун аҳолининг учдан бир қисми самарали фойдаланяпти. Ахборот-коммуникация тармоқлари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ёшларимизга интернетни тақиқлаш эмас, балки унинг имкониятларидан ақил-идрок билан фойдаланиш, тармоқдаги чексиз ахборотларни таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини илмий асосда ўрганиб, зарур ҳулосалар, керакли илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

O'zLiDeP томонидан ишлаб чиқилган «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасидаги бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ушшоққил билан ўтказилаётди.

Мансур АСЛОНОВ.

Улбувининг «Дилнози»

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржада худуддаги 260 та ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг 1000 дан ортиқ маҳсулоти намойиш этилди.

Жумладан, кўргазмадан совутгич ва мулатгичлар, спорт ҳизмалари, тиббиёт препаратлари, қурилиш ашёлари, ип-кавала, тайёр газлама, машина-тракторлар учун эҳтиёт қисмлар, бургулаш асбоблари, турфа кийим-кечалар, гилам маҳсулотлари, локбўёқлар, ўқув лаборатория жиҳозлари ўрин олди. — Биз кўргазмада ҳар йили қатнашиб келамиз, — дейди Оқдарё туманида фаолият юритаётган «Дилноз» хусусий корхонаси раҳбари, O'zLiDeP фаоли Улбуви Шодмонова. — Фаолият туридан келиб чиққан ҳолда корхона ва ташкилотлар, маҳаллий аҳоли талабига қараб қўрпа ва ёстиқ жидларни, чойшаблар, пардалар тикамиз. Янги бурюртчиларни топишда бугунгидек ярмаркалар жуда қўл келади. Чунончи, ўтган йили 180 млн. сўм миқдордаги 16 та шартнома имзолаган бўлсак, бу йил 260 млн. сўмлик 18 та шартнома тузишга муяссар бўлдик.

Мухаббат РАВШАНОВА.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 17 (597)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Давлат сиёсати даражасидаги эзгу қадрият

Бугунги одамларнинг қалбида, онгу шурида намоён бўлаётган меҳроқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар, ҳамюртларимизнинг эртанги кунга ишончи Президентимиз томонидан белгилаб берилган тараққиёт йўлининг нақадар тўғрилигидан далolat. Мўтабар қарияларимиз, оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, жамиятимизда ҳеч кимнинг ёлғиз эмаслиги, ҳеч кимнинг эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги сингари халқимизнинг азалий фазилатлари янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда, тақомил топмоқда. Юрдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, дахлдорлик туйғуси кучайиб бораёпти. Бинобарин, юксак маънавиятли шахсни ҳеч ким енга олмайдди, юксак маънавият қарор топган жамиятнинг эса келажаги порлоқдир.

Пахтакор тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказидаги БПТ ташаббуси билан ўтказилган «Кексаларни эъзозлаш йилида О'zLiDeP кўйи бўғинларининг устувор вазифалари» номи мулоқотда ана шундай мулоҳазалар билдирилди.

Иштирокчилар — партия туман кенгаши мутасаддилари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ходимлари, тадбиркор ҳамда фермерлар халқимизнинг эзгу қадрияти давлат сиёсати даражасига кўтарилганини эътироф этиб, мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикр алмашдилар.

Б.ИСРОИЛОВ.

Мадинанинг муддаоси маълум ва маъқул

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида О'zLiDePнинг Бухоро вилоятидаги барча бўғинлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Партия вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан Когон маиший хизмат касб-ҳунар коллежидида ўтказилган давра суҳбатида битирувчи йигит-қизларни доимий иш билан таъминлаш, уч томонлама шартномаларнинг ижроси тўғрисида сўз юритилди. Туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Олия Ачиддиева, О'zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири Робия Салихова, партия туман кенгаши раисининг ўринбосари Шомурод Бўронов, коллеж директори Зубайдулло Шарипов муҳокама этилган масала бўйича кейинги йилларда туманда амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар ва ечимини кутатган муаммолар юзасидан атрафлича фикр билдирдилар.

Ўз бизнесини бошлаш арафасида турган ёшларга мутасадди ташкилотларнинг маъсул ходимлари, хусусан, «Қишлоққурилишбанк» ва Халқ банкнинг туман бўлими ходимлари, солиқ идоралари ва бандликка кўмаклашиш маркази маъсуллари томонидан йўл-йўриқ, амалий маслаҳат ва зарур тавсиялар берилади.

— Давра суҳбати чоғида тадбиркорлик йўналишига оид кўплаб маълумотларга эга бўлдим, — дейди Когон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси Мадина Жўраева. — Мен компьютер тизимларини ишлатиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича ўқияман. Партия лойиҳаларида иштирок этиб тайёрлаган бизнес-режам ҳам айни йўналиш билан бевосита боғлиқ. Келгусида «Қишлоққурилишбанк»нинг туман филиалидан ажратилган 5 млн. 90 минг сўмлик имтиёзли кредит эвазига ўзим истикомат қилиб келаётган Хўжа Яқшаба қишлоқ фуқаролар йиғини худудда компьютерларга хизмат кўрсатувчи шохобча ишини йўлга қўймоқчиман.

Асхор ИСТАМОВ.

Аҳолининг партиямиз дастурий мақсадларига нисбатан ишончсиз янада мустақамлашда БПТларнинг ҳиссаси сезиларли бўлаётир. Товар хом ашё биржасининг Қашқадарё вилоят филиали бошланғич партия ташкилоти томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам фикримизга мисол бўла олади.

НАТИЖАНИНГ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ТАШАББУС ВА ИШЧАНЛИККА БОҒЛИҚ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Филиал директори, халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, кўйи бўғин етакчиси Санжар Эргашев партия Устави ва Дастурида белгиланган вазифалар бажар

яш бошлашга муваффақ бўлдилар. Эътиборлики, ана шу каби мурожаатларнинг БПТда кўрилиши депутатлик гуруҳи йиғилишида шаҳар хокими ўринбосари Ш.Холмуродовнинг ҳудудий дастурлар ижроси, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан эши-туви режалаштирилишига асос

МАҲАЛЛИЙ ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ БИРЖА САВДОЛАРИДА СОТИШ ҲАЖМИНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА ИЛГАРИ СУРГАН ТАКЛИФЛАРИ ҲАМ ТАЯНЧ БЎҒИН МАЖЛИСИДА АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. ТЕГИШЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВОСИТАСИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ, ХОМ АШЁ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ.

рилишига сидқидилдан ёндашаёпти. Хусусан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун БПТ салоҳияти ва депутатлик ваколатларидан унумли фойдаланаёпти.

Авалло шуни таъкидлаш керакки, жорий йил бошидан буён мазкур БПТ йиғилишларида тўртта долзарб масала муҳокама этилиб, партия шаҳар кенгашига олиб чиқилди ва пировардиди ижобий ҳал этилди.

Чунончи, Қарши шаҳрида яшовчи бир гуруҳ ёшлар тадбиркорликни йўлга қўйишда амалий ёрдам сўраб, бошланғич ташкилотга мурожаат этишганди. Кўйи тузилма саъй-ҳаракатлари билан уларга бизнес-режа тайёрлаш ҳамда банкдан кредит олишда қўмак берилгач, фаоли-

бўлди. Фаоллар «Чўлқувар» маҳалласи аҳолиси мурожаати бўйича ҳам муайян иш олиб бордилар. Шаҳар электр тармоқлари корхонасига сўровнома билан чиқилиб, эърот таъминоти яхшиланишига, маҳалладаги тадбиркорлар таярруфидаги цехларнинг бир маромда ишлашига эришилди.

Маҳаллий ишбилармонларнинг ўз маҳсулотларини биржа савдоларида сотиш ҳажминини кўпайтириш бўйича илгари сурган таклифлари ҳам таянч бўғин мажлисида атрафлича муҳокама қилинди. Тегишли чора-тадбирлар воситасида маҳсулотларни сотиш, хом ашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

— Биржага тадбиркорлардан келиб тушаётган мурожаатлар асосида тегишли чора-тадбирлар бажарилаяпти, — дейди



олиб, электрон савдоларда ўзлари ишлаб чиқарган жами 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотни сотишди.

Маслаҳдошимиз сўзларига шуни қўшимча қилиш зарурки, фаоллар фақатгина ташкилот ишлари билан шуғулланмаёптилар. Яқинда партия шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Чўлқувар» ва «Шодлик» МФЙларда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан турли тадбирлар ташкил этилиб, ноғиронлар ва кам таъминланган оилаларга совға-саломлар тарқатилди. Шаҳар ёшлари ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилиши ҳам мазкур БПТ ташаббусидир.

— Сайловчилардан тушган мурожаатларнинг деярли бардаси ижобий ҳал этилаётир, — дейди таянч бўғин раиси. — Кўйи тузилмамиз 5 аъзо билан

ўзида ўнга яқин учрашув ва давра суҳбати уюштирдик. Уларда Президентимиз маърузалари мазмун-моҳияти жамоатчиликка етказилди.

— Шаҳримизда 93 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар 1930 нафар аъзони бирлаштирган, — деди биз билан суҳбатда О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмурза Болтаев. — Товар хом ашё биржаси вилоят филиали бошланғич партия ташкилоти томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Шу билан бирга «Қашқадарё электр тармоқлари» АЖ, «Санам», «Қаршиёғэктракция», «Азизбек Офсет Барака» сингари МЧЖлар кўйи ташкилотларида олиб борилаётган ишлар ҳам сафдошларимизга намуна сифатида кўрсатил-

қўйиш имконини бераёпти. Мисол учун, ўтган давр мобайнида БПТлар ташаббуси билан ташкил этилган юзга яқин тадбирда 8 мингдан ортиқ партия аъзоси қатнашди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, партия фаоллари кўпроқ электротар вакиллари билан ҳамкорликда ишлашга, одамларни бунёдкорликка даъват этишга интилишаёпти. Жойлардаги айрим муаммоларни фақат кимдандир кўмак сўраш билан эмас, балки тадбиркорликни ривожлантириб, ички имкониятларни ишга солиб, билим ва тажрибадан фойдаланган ҳолда тартирарат этиш борасидаги тарғиботи кучайтирмоқдалар. Демак, партиявий фаолиятда ҳам натижаларнинг қандай бўлиши салоҳиятли кадрлар, ташаббус ва ишчанлик билан чамбарчас боғлиқдир.

Бўлажак тадбиркорларга сабоқлар

Фурқат туманидаги партия кўйи бўғинлари «Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги» қону талабларидан келиб чиқиб, жойларда аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган тадбирлар ўтказмоқда. Масалан, «Бегобод» МФЙ худудда фаолият кўрсатаётган БПТ фаоллари ташаббуси билан Фурқат иқтисодий коллежидида «Оилавий бизнесни ривожлантириш: айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирга таклиф этилган мутахассислар, тажрибали тадбиркорлар ўқув маскани битирувчиларига оилавий корхоналарнинг ҳуқуқий асослари, хусусий иш юритиш кўникмалари, кредит олиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида атрафлича тушунча бериб, йўл-йўриқ кўрсатдилар.

Сўзга чиққанларнинг бугунги кунда бошловчи тадбиркорлар томонидан йўл қўйилаётган хато-камчиликларнинг олдини олиш борасидаги фикрлари ҳамда оилавий корхоналар соҳиблари мурожаатлари асосида тайёрланган таҳлилий хулосалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бугунги давр ишбилармонлиқнинг мазкур шакли жадал ривожлантирилишини тақозо этаётир, — дейди АТ «Микрокредитбанк» туман филиали бошқарувчиси Дилмурод Маматқулов. — Зеро, оилавий тадбиркорлик миллий анъаналаримиз, ҳўжалик юртишимиз мавжуд ҳолатига тўла мос бўлибгина қолмай, балки иқтисодий жиҳатдан қулай ва манфаатли ҳамдир.

Ўз муҳбиримиз.

Тахтақўпирдаги беллашувлар

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақамлаш мақсадида О'zLiDeP мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Тахтақўпир туманида хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол, теннис, атлетика, кўл кураши, дартс ва аркан тортиш каби турлари бўйича маъража таъкил этилди. Қизғин беллашувлар орамизда ҳам руҳан, ҳам жисмонан баркамол хотин-қизлар кўлигини намоён этди. Мустақамда юқунда умумжамоа ҳисобида Тахтақўпир туман халқ таълими бўлими жамоаси голибликни, О'zLiDeP туман кенгаши қизлар жамоаси иккинчи, туман тиббиёт бўлими жамоаси эса учинчи ўринни кўлга киритди.

Ҳали ҳам совриндорларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрликлари ва эъдалик совғалари топширилди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши маъбуот хизмати.

Намунавий БПТлар фаолияти ўрганилаяпти

Партия Миробод туман кенгаши «О'zLiDeP бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида амалий мулоқот ўтказди. Партия туман кенгаши раиси Равшан Фозилов БПТ етакчиларининг малакасини ошириш ва тарғибот ишлари тизимини тақомиллаштириш тўғрисида, О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Бобоқонова эса кўппартиявийлик шартинда давлат бошқаруви ҳамда кучли фуқаролик жамияти шаклланишида сиёсий партиялар кўйи тузилмаларининг вазифалари хусусида маъруза қилди. Партия туман ташкилоти раиси ўринбосари Гулнор Умирқованин партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳамкорлиги механизмининг мукамаллаштиришга баҳишланган мулоҳазалари ҳам қатнашчиларда қизиқиш уйғотди. Мулоқотда «Тошкент» республика фонд биржаси ва 3-клиник шифохонадаги партия таянч тузилмалари фаолияти атрафлича таҳлил қилиниб, уларнинг иш тажрибаси ўрганиш ҳамда оммалаштиришга лойиқ деб топилди. Мулоқот якунида иштирокчилар БПТлар нечоғли фаоллигини акс эттирувчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, кўйи бўғинлар мурожаатларига партия юқори органлари томонидан жавоб бериш тизимини қайта кўриб чиқиш борасида ҳам талай таклифлар билдирдилар. Улар умумлаштирилиб, О'zLiDeP шаҳар кенгашига тақдим этилди.

ДИҚҚАТ! «ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Устави ҳамда Дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб қилиш, партия раҳбар органларининг қарор ва фармойишларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда алоҳида намуна кўрсатган бошланғич партия ташкилотларини рағбатлантириш, жойлардаги кўйи бўғинлар фаолияти самарадорлигини ошириш, сифат жиҳатдан яхшилаш, шунингдек, намуналы БПТларни кўпайтириш ҳамда соҳадаги илгор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси бошланғич партия ташкилотлари ўртасида уч бўтқишиш иборат «Энг намуналы бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди, кўрик-танловнинг низоми ишлаб чиқилди. О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси, партия ҳудудий, туман ва шаҳар ташкилотлари ҳамда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси танловнинг асосий ташкилотчиларидир.

Мазкур тадбирни юқори савияда ўтказиш мақсадида партия кенгашлари ижроия кўмиталари қошида ҳакамлар хайъатлари тузилмоқда. Хайъат ишчи гуруҳлари томонидан тавсия этилган БПТларни белгиланган мезонлар ва номинациялар бўйича баҳолайди, танлов голибларини аниқлайди ва навбатдаги босқичда иштирок этишлари учун йўлланма беради.

- Танлов иштирокчилари — БПТларга бериладиган баллар кўйидаги мезонлар асосида аниқланади:
1. БПТ томонидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўйилган амалий ҳисса ва электротар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича илгари сурилган асосли таклифлар.
 2. Партияимиздан сайланган барча поғоналардаги депутатлар билан бугунги кун талаблари даражасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотлар.
 3. БПТ ташаббуси билан ўтказилган турли тадбирларнинг фото ва видеолавҳалари, турли танлов, анжуман ва бошқалардаги иштироки учун берилган диплом, сертификат каби ҳужжатларнинг нусхалари.
 4. БПТ ҳақида ОАВда эълон қилинган мақолалар нусхалари.
 5. «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасига 2015 йил учун обуна маълумотномаси.
 6. Аҳолини партия сафларига жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар.
 7. Партия аъзолари шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларининг шакллантирилганлиги ва аъзолик гувоҳномалари билан таъминланганлиги. Шунингдек, аъзолик бадали тушумларининг ҳолати акс этган маълумотлар.
 8. БПТ хонасининг партиявий имижда жиҳозланиши ва ахборот стендлари бўйича фотолавҳалар.
 9. Ҳисобот даврида партия Устави ва Дастури талаблари, партиянинг юқори органлари томонидан белгиланган вазифалар намуналы даражада амалга оширилганлиги хусусидаги маълумотлар.
 10. БПТнинг худудларда амалга оширилаётган партиявий лойиҳаларни ташкил қилиш ва уларнинг ижросига қўшган ҳиссаси.
- Танловнинг қўшимча номинациялари қуйидагилардан иборат:
- «Энг кўп аъзоларни бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти»;
 - «Энг кўп аъзолик бадали туширган бошланғич партия таш-

- килоти»;
- «Ҳужжатлар юритилиши яхши йўлга қўйилган, энг яхши хона ва жиҳозларга эга бўлган бошланғич партия ташкилоти»;
- «Худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечим борасида депутатлик гуруҳлари билан фаол иш олиб борган бошланғич партия ташкилоти»;
- «Сиёсий таълим маркази ўқувлари ва партиявий тадбирларда энг фаол иштирок этган бошланғич партия ташкилоти»;
- «Тадбиркорлар ва мулкдорлар синфини шакллантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этган бошланғич партия ташкилоти»;
- «Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускор бошланғич партия ташкилоти»;
- «Партия гоғларини чуқур англаган, етакчилик ва нотқиқлик хусусиятига эга бўлган БПТ раиси»;
- «Бошланғич партия ташкилотлари орасида энг ёши улуг БПТ раиси».

Танловнинг туман ва шаҳар босқичлари мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида, 2015 йилнинг 1-30 август кунлари оралигида ўтказилди. Худудий босқичлар голиблари эса О'zLiDeP ташкил этилганлигининг 12 йиллиги муносабати билан 1-15 ноябрь кунлари аниқланади. Асосий Қонунимизнинг 23 йиллиги нишонланишидан аввал — 3-5 декабрда танловнинг якуний — республика босқичи бўлиб ўтади.

Танлов голиблари партиянинг I, II, III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар:

- III ўрин учун «Notebook»;
- II ўрин учун «Samsung» LED телевизор;
- I ўрин учун энг замонавий моноблок ва планшет.

Танлов Нозимнинг 8-бандида кўрсатилган қўшимча номинациялар бўйича голиблар партиянинг махсус дипломлари ҳамда «Artel» планшетлари билан мукофотланадилар.

Танловга марҳамат!

ЖАРАЁН

Тиббий кўрик шарофати

«Кексаларни эъзолаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, O`zLiDePнинг Сайловди платформасида белгиланган устувор вазишларни бажариш, жумладан, ҳар томонлама соғлом авлодни вога етказиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида партия Бухоро вилоят кенгаши томонидан Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда Когон кўп тармоқли марказий поликлиникасида «Соғлом оила — мустақам оила» лойиҳаси доирасида бепул тиббий кўрик ўтказилди.

Тадбир давомида бир қатор қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўраминидаги хонадонларда истикомат қилувчи кишилардан 489 нафари малакали шифокорлар қабулида бўлиб, зарур муолажаларни олдилар. ЭКГ, ультратовуш текшируви (УЗИ) ва бошқа аппаратлар ёрдамида кўриқдан ўтган беморларга тиббий ҳодимлари томонидан тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди. Психолог, эндокринолог, онколог-маммолог, жарроҳ, бурак касалликлари шифокори каби мутахассислар бу муҳим тадбирнинг юқори даражада ўтказилиши, даволаш-профилактика ишларининг талаб даражасида олиб борилишини таъминладилар. Бундан ташқари, текширувга келган беморларнинг 211 нафари йўналишлар орқали тиббий муассасаларда даволанадиган бўдилар. Шунингдек, турли ёшдаги беморларга умумий миқдори 23 млн. сўмга яқин 11 турдаги дори-дармон, тиббий препаратлар тарқатилди. O`zLiDeP фаоллари бу каби тадбирларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказишни режалаштирган.

Асхор ИСТАМОВ.

O`zLiDePнинг Сайловди дастурида белгиланганидек, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига қўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, меҳнат шариоитини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорлик субъектларини кенгайтиришга қаратилаётган катта эътибор бугун Андижон вилоятида ҳам ўзининг амалий натижасини бермоқда. Партиянинг Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими кўмагида ўтган йили «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳаси доирасида 375 млн. 510 минг сўм миқдоридagi кредит маблағи йўналтирилиши натижасида 228 та янги иш ўрни яратилди.

Оилавий тадбиркорлик — фаровонлик омили

Дилноза НОМООВА, «XXI asr»

— Вилотимизда кичик бизнес, тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалалар партия фаолларининг доимий диққат марказида, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири Умида Исаева. — Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда лойиҳаларимиз кўл келмоқда. Айниқса, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани туфайли кўплаб опа-сингилларимиз бандлиги таъминланаётир. Сафдошларимиз сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Хусусан, партияга аъзо хотин-қизлар 5071 нафар бўлса, шундан 1218 нафарини тадбиркор, 170 нафарини фермер опа-сингилмиз ташкил этади.

Жорий йилги «Оилавий тадбиркорликдан — му-

стақам оилага» лойиҳаси доирасида ўтказилиши режалаштирилаётган учрашувларда бизнес гоа танлаш ва режа ишлаб чиқиш йўналишидаги мавзуларга кўпроқ ўрин бериш кўзда тутилган. Чунки оила аъзолари меҳнати ва манфаатдорлигига асосланган тадбиркорликнинг бу тури билан шуғулланиш оила фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз. Энг муҳими, уй бекаларимиз қалачиқларидан ўрганиш қасб-хунари орқали оиласи даромадига даромад қўшапти.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бизнеснинг мазкур турини ривожлантириш маҳаллаларда, айниқса, Сафдошларда янги иш ўринлари яратиш, пировадига аҳоли турмуш фаровонлигини, ошириш баробарида мамлакат иқтисодийнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Бугун Андижон вилоятида кўплаб кичик корхона ва микрофирмалар фаоли-

ят юритаётганлиги ҳудудда O`zLiDeP электорати манфаатига хизмат қилувчи чора-тадбирларнинг тўғри амалга оширилиб келинаётганидан далолат беради.

Жумладан, жорий йилда Қўрғонтепа туманидаги «Зарнигор элегант» хусусий корхонаси раҳбари Зарнигор Халилова «Миллий банк» филиалидан 15 миллион сўм кредит олиб, 4 та янги иш ўрни яратди. Қолаверса, тикаётган маҳсулотлари ҳам сифатлилиги,

маҳаллий бозорларимизга чиқаришмоқда, балки хорижга ҳам экспорт қилинаётир.

Андижон вилоятида Назира опа сингари ишбилармонлар сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида юртимизнинг иқтисодиёти ҳам юксалиб бормоқда.

— Хотин-қизларимиз ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда партиямиз томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг самараси нихоятда катта бўла-

Жорий йилда ҳам аёлларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида кўплаб тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилаётир. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида O`zLiDePнинг «Соғлом оила — мустақам оила» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тадбирлар ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, юртимизда яратилаётган кенг имкониятлар хотин-қизлари-



ҳам харидорлиги билан машхур.

Жалолқудуқлик яна бир ишбилармон оламиз Назира Мирзаева 2009 йилдан буён «Жони текстиль савдо» МЧЖ раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда. У тикаётган аёллар кийим-кечаклари нафақат

ётир, — дейди Пахтаобод туман Юқори МФЙ маслаҳатчиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутаты Фарида Арафбаева. — O`zLiDePнинг хотин-қизлар салоҳиятини намоён этиши учун зарур шарт-шариоит яратишга йўналтирилган лойиҳалари алоҳида эътиборга лойиқдир.

мизнинг жамиятда ўз ўрнини топишига туртки бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кун аёли ҳам она, ҳам давлат арбоби, тадбиркор, фермер, хуллас, жамиятнинг фаол аъзоси. Буларнинг барчаси эса изчил амалга оширилаётган оқиллона ислохотларнинг самарасидир.

Ғолибларга — O`zLiDeP совғалари

O`zLiDeP Учқудуқ туман кенгаши томонидан «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг намунали иқтидорли ёшлар» кўрик-танловида олти йўналиш бўйича 200 нафардан зиёд ёш иштирок этганди. Туман марказида жойлашган «Замондош» маданият саройида ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Саҳналаштирилган концерт кўринишида ўтказилган тадбирда 26 нафар 14-17 ёшли ғолиб ва совриндор ташкилотчиларнинг дипломлари ва эсдалик совғаларини қабул қилиб олди. Хусусан, танловнинг «Тадбиркорлик» йўналиши бўйича ғолиб, деб топилган ёшларга O`zLiDeP вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари топширилди. Бундан ташқари, маросимда «Умид ниҳоллари-2015» спорт мусобақалари вилоят босқичида, шунингдек, фан олимпиадасининг ҳудудий босқичида фахрли ўринларни эгаллаган ўнучилар муносиб тақдирландилар. Бадбий жамоа ва ҳаваскор ижроачиларнинг қиқиллари тадбирга кўтаринкилик бахш этди.

Мансур АСЛОНОВ.

Инха ва ТАТУ билан танишув

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан пойтахтдаги Инха ҳамда Ахборот технологиялари университетларида журналистлар учун медиа-тур ўтказилди. Дастлаб Инха университети ректори Шерзод Шерматов журналистларни мазкур муассаса фаолияти билан таништирди

Фахриддин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

— Университет талабалари айни пайтда икки йўналиш — компьютер ва дастурий инжиниринг ихтисослиги бўйича таҳсил олмоқда, — деди у ўз сўзида. — Истиқболда ахборот-коммуникация технологиялари менежменти ва логистика факультетларини очиб режалаштирилган.

Илм даргоҳида талабалар учун барча шариоит яратилган. Чунончи, компьютер заллари, физика фани лабораторияси, замонавий техника жиҳозлари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, шинам аудиториялар, спорт майдонлари ва дам олиш хоналари бўлажак мутахассислар ихтиёрида. Замонавий интерактив доскалар ва катта сенсорли мониторлар ўрнатилган. Мазкур қурилмалар симсиз интернет — Wi-Fi га уланган бўлиб, талабаларга ўз чизмалари ҳақида гаджетлар ёрдамида бошқалар билан фикр алмашиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, талабалар фаиларини ўзлаштириш баробарида ўз лойиҳалари устида ҳам иш олиб боришяпти. Жумладан,

веб-сайтлар яратиш ва кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган дастурий маҳсулотларни такомиллаштиришнинг янги йўллари излашмоқда.

Тадбирнинг иккинчи қисми Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилди.

— Бугунги кунда ТАТУ минтақада телекоммуникация ва ахборот тизимлари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган етакчи олий ўқув муассасаси ҳисобланади, — деди мазкур олий илм маскани ректори Ҳаким Муҳитдинов. — Университетнинг Жанубий Корея, Россия, Малайзия, Нидерландия, Франция, Италия, Германия, Финляндия, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси, Япония каби ривожланган давлатлардаги олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари унинг нуфузини янада оширишга хизмат қилапти.

Ахборот-коммуникация технологиялари ихтисослашган ўқув муассасаларига уюштирилган сафар оммавий ахборот воситалари вакилларидан катта таассурот қолдирди.

Миллий сўғурта бозори етакчиси

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси ўтган йиллар давомида ҳудудий тармоқларни ташкил этиш, кўрсатилётган хизматлар сифатини ошириш, андеррайтинг сиёсатини пухта олиб бориш ва кадрлар тайёрлашга катта эътибор бериши натижасида халқаро сўғурта бозорига ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Рақамлар тили билан айтганда, компания жаҳон амалиётида қўлланиладиган 100 дан ортиқ аъзолик йўналиш сўғурта турини жорий этган. Республикаимиздаги 14 та ҳудудий филиали, 125 та бўлинмасида мингга яқин сўғурта агентлари томонидан миқдорларга намунали хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилган.

2015 йилги инвестиция дастурига киритилган 32 та лойиҳага умумий қиймати 12,2 трлн. сўм миқдорда сўғурта ҳимояси киритилгани эса компанияга жаҳон бозорида билдирилаётган ишончинг ортиб бораётганлигини дарақадир. Жумладан, АҚШнинг «Marsh», Россиянинг «Страховой Брокер Топ тайм», Жанубий Кореянинг «NIS Insurance Services Co.Ltd» каби 10 дан ортиқ сўғурталаш ва брокерлик компаниялари билан доимий алоқа ўрнатилгани фикримизни исботлайди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 3 апрелда қабул қилинган «Иқтисодийнинг реал секторида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чоралари тўғрисидаги қарорига мувофиқ «Ўзбекивест» компанияси томонидан «Сўғурта хизмати тўловининг электрон усулларини жорий этиш» лойиҳаси амалга оширилиб, электрон тўлов тизимлари орқали миқдорларга онлайн хизмат кўрсатиш имкони яратилди. Шунингдек, «Кексаларни эъзолаш йили» Давлат дастури доирасида «Нуроний» сўғурта маҳсулоти ишлаб чиқилган бўлиб, бахтсиз ҳодисалардан сўғурта қилиш ва тиббий сўғурта бўйича шартномалар тузаётган кексалар учун чегирмалар жорий қилинган.

Севаара АЗИМОВА.



Самарали ҳамкорлик кўплаб ёш тадбиркорларни катта ҳаётга йўлламоқда

Мусурмон РҮЗИЕВ, «XXI asr»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан тижорат банклари томонидан касб-хунари коллежлари битирувчилари ҳамда тадбиркорлик қобилиятига эга хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

14-15 апрель кунлари Жиззах вилоятининг Зомин ва Ғаллаорол туманларида «Микрокредитбанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа доирасида семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ва туман ҳокимликлари мутасаддилари, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, банк ходимлари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар ҳамда касб-хунари коллежи битирувчиларидан иборат жами 400 нафарга яқин иштирокчи қатнашди.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшлар учун янги

иш ўринлари ташкил этиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга эришишдир. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда молия муассасалари билан йўлга қўйилган ижтимоий ҳамкорлик ўз самарасини берапти.

Тадбирда мутахассислар томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун молиявий ресурслар беришни янада кенгайтириш, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳоли кенг қатлами, жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлиги учун яратилган имтиёзлар, оилавий бизнеслар, оилавий бизнеслар ривожлантиришга оид батафсил маълумотлар берилди. Туманларда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот, бизнес лойиҳа тузиш ва банкдан имтиёзли кредит олиш бўйича маслаҳатлар акс этган тарғибот материаллари ҳамда қолма қолган маълумот, тўқувчиларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Семинар доирасида тадбиркорлик фаолиятини банк кредитлари кўмагида бошлаётган юрдошларимиз лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин



маиший хизмат кўрсатиш ва транспорт ҳамда Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодий касб-хунари коллежларининг 25 нафар битирувчиси, шунингдек, 5 нафар тадбиркор аёлга жами 177 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Мамлакатимизда ташаббускор аёлларга кенг имконият яратиш, уларнинг иқтисодийёт соҳасидаги фаоллигини ошириш мақсадида микрокредитлар ажратилаётгани, умуман олганда, ушбу йўналишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан руҳланиб, тадбиркорликка қўл урдим, — дейди Зомин туманидаги Каттабоғ маҳалласида яшовчи Гулноза Тўймуродова. — Шу сабабли бугунги тадбир ҳақида хабар топиб, маҳалламизда тижувчиллик цехи очии-

га қаратилган бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Тегишли комиссия уни ўрганиб чиқиб, ўз ишимни бошлаш учун етарли миқдорда имтиёзли кредит сертификатини тақдим этди.

— Кўпдан буён хонадонимизда кичик чорвачилик ҳужжалигини ташкил этишни мақсад қилиб юргандим, — дейди Зомин маиший хизмат кўрсатиш ва транспорт коллежи битирувчиси Сарвар Ибрагимов. — Бугунги тадбирда берилган сертификат менга ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиш учун бошланғич сармоя вазифини ўтайди, деган умиддаман. Келгусида мақсадларим катта. Агар режаларим амалга оеса, келажақда сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона очиш ниятидаман. Мамлакатимизда ёшларга давлат сиёсати даражасидаги эътибор ва

ғамхўрлик кўрсатилган бўлишига тақдим этдим. Тегишли комиссия уни ўрганиб чиқиб, ўз ишимни бошлаш учун етарли миқдорда имтиёзли кредит сертификатини тақдим этди. — Иссиқхона ташкил этишга доир бизнес лойиҳам билан иштирок этиб, 5.9 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритдим, — дейди М.Абдусатторова. — Ҳадямда, Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодий коллежини битираман. Банк кредити ҳамда Оила аъзоларим кўмагида фаолиятимни ривожлантириб, келажақда иссиқхона ҳужжалигига кўвеш бата-режалари ўрнатиш орзусидаман.

Жонли мулоқот тарзида ўтган семинар якунида иштирокчиларни қизқирган барча саволларга мутахассислар батафсил жавоб беришди.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Эҳтиром учун ташаккур

Ўспирин ёшида бўлишига қарамай 1941 йилда фронтга отланган карманалик Пирназар Турдиев навқирон ҳаётининг энг жўшқин, айни гуллаган даврини Иккинчи жаҳон уруши жанглирида ўтказди. Ҳамюртимиз 1944 йил январидан оғир яраланиб, госпиталга ётқизилди. Жароҳатини тиклаб олгач, фашист босқинчиларига қарши курашни давом эттириб, Берлинга етиб боради. 1946 йил сентябрда киндик қони тўкилган маскан — Дўрмон қишлоғига қайтиб келди.

Жамоа ҳўжалигида аввал табелчи, кейин эса темирчи бўлиб меҳнат қилган Пирназар ота айни кунда ўн неваара, санкиз чевара ардоғида қарилк гаштини сурмоқда. Бу йил 96 ёшни қарши оладиган отахоннинг ўгли Шоназар темир йўл соҳасида, қизи Улфатхон дорихонада ишлаб, нафақага чиққан. — Уша даврларни эслаسام, этим жунжикиб кетади. Янаш, ҳаёт кечириб жуда оғир эди. Бугунги тинч, фаровон замоннинг ҳар кунига шўкрона айтса арзийди. Ватанимиз истиқлопини ўз кўзим билан кўрганимдан бахтиёрман. Бугун Президентимиз, давлатимиз, эл-юртнинг ардоғидамиз. Қарга бормайлик, ҳурмат кўрсатишайди, — дейди дуога қўл очиб отахон. — Юртбошимизнинг биз каби фахрийларга кўрсатаётган ғамхўрлиги учун миннатдорчилик изҳор этаман. Зеро, эҳтиром кексалар умрини баракали қилади. Яқинда Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Тавоқсой» сизатгоҳида дам олиб келдим. Фурсатдан фойдаланиб, бизга яратилган шариоит, қулайлик, имконият учун ҳам раҳмат айтмоқчиман.

МуҳаммадҶон МАҲМУДОВ.

Қирқ кунлик ҳашар

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш доирасида Андижон вилоятида 40 кунлик ҳашар ўтказиш тақлифи жамоатчилик томонидан илқ кутиб олинди. Вилоят ҳокими Шўхратбек Абдураҳмонов иштирокида ўтказилган фаоллар йиғилишида Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик доирасида ҳудуддаги қабристонларни ободонлаштириш масаласи муҳокама қилинди. Шаҳар ва туман ҳокимлари, диний идоралар вакиллари, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбарлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда бу хайрли ташаббус 9 майга қадар давом этиши таъкидланди. Айни пайтда вилоятнинг шаҳар ва туманларида 739 та қабристон мавжуд бўлиб, уларни ободонлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборлики, жойларда ўтказилган суҳбатлар давомида ўтиб кетган аждодларимиз фарзандларини набиралари бу ишни ҳомийларнинг ёрдамида ўзлари амалга оширишларини билдиришмоқда.

— Бироқ бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам бирдек ташкил этилган деб бўлмайди, — дейди вилоят ҳокими. — Масалан, айрим жойларда қабристонларга парранда ёки чорва молларини қўйиб юбориб ҳолатлари қайд этилмоқда. Баъзи қабристонларнинг атрофи кўрғун деворлар билан ўралмаган. Йиғилишда сўзга чиққан фаоллар энг яқин инсонларимиз қўним топган қабристонларни ободонлаштириш улари олдидаги инсонийлик бурчимиз эканлиги, шундай экан, ҳар бир инсон бу савобли ишдан четда қолмаслиги кераклигини қайд этдилар.

Эльмира РАҲМОНОВА.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР!

Компьютер бошқарадиган товуқхона

Фаргона шаҳрининг Қирғули мавзесидаги паррандачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиги фаолиятини янада кенгайтирди.

— Бунда банкдан олинган 260 миллион сўмлик кредит маблағи қўл келди, — дейди ҳўжалик раҳбари Қобилжон Қодиров. — Натижада 14 минг 500 бош товуққа мўлжалланган сўнгги русумдаги технологик ускунани сотиб олди. У компьютер орқали бошқарилиб, хона ҳароратининг мутаносиблиги, озуқа манбаларининг тўғйимлилик даражасини назорат қилиб туради. Илгор тажрибаларни қўллаш туфайли ҳар кунни савдо шохобчаларига 12 минг дона тухум етказиб берилляпти. Ўтган йилнинг ўзида 20 тоннадан ортиқ товуқ гўшти халқимиз дастурхонига тортиқ қилинди.

68 дан 350 тақлиф

Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Қатор манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган назкур тадбирда касб-ҳунар коллежларини тамомлаш арасидаги талабалар, Қуроли кучлар сафларидан бўшатиш йигитлар, жазодан озод қилинганлар, чет элда ишлаб қайтган фуқаролар қатнашишди.

Унда 68 та корхона, ташкилот ва муассаса 350 та бўш иш ўринини тақлиф этди. Бир юз ўлттига яқин битирувчи билан шартнома тузилиди, муқаддам коллежларни тугатган 19 нафар ёш ишга қабул қилинди.

— 2014 йил мобайнида саникз марта ана шундай меҳнат ярмаркалари ўтказилди, — дейди Марғилон шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази раҳбари Қўқорбой Хусанов. — 54 та маҳаллага бириктирилган нозирларимиз жойларда мониторинг ўтказиб, суҳбатлар уюштиришмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратяпти.

— Ўзимга муносиб иш тополганимдан хурсандман. Ярмаркада мен каби кўплаб тендошларим ишга йўланма олди. Бу мамлакатимизда бизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир, — дейди коллеж битирувчиси Дилшода Гаффарова.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

«Ёшлар соғлом турмуш тарафдори»

Андижон тиббиёт коллежида шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда «Ёшлар ўртасида камқонлик», «Соғлом турмуш тамойиллари — репродуктив саломатлик», «Соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи», «Умумий ва шахсий гигиена», «Рўханий осойишталик ва саломатлик» каби мавзуларда маърузалар тинглиниб, видеолаваҳалар намойиш этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, ёшларимиз онгида соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Аҳамиятлики, Андижон тиббиёт коллежида ҳам бу борада самарали чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар бир талаба зиммасига соғлом турмуш тарзини намунали ташкил этиш, меҳнат қилиш, овқатланиш, дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, шунингдек, касалликларни олдини олиш бўйича тағрибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш масъулияти юкланган.

Эльмира РАҲМОНОВА.

Сафга қўшилган битирувчилар

Дангара туманидаги «Кежака сумкалари» хусусий корхонаси ҳудудда фаолият кўрсатаётган янги кичик бизнес субъектларидан бири. Бу ерда асосан аёллар сумкалари ишлаб чиқарилади.

— Тўрт нафар тикувчи билан иш бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Акбаржон Тўйичев. — Эндиликда чекарларимиз сони 30 нафарга етди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тури эса 10 хилдан ошди. Аҳамиятлики — иш билан таъминланган ёшларнинг ярими коллеж битирувчиларидир. Тадбиркор йил охиригача яна бешта янги иш ўрни очишни мақсад қилган.

Аҳроржон МУСУРМОҲОВ.

Янги техника ва янги имкониятлар

Яқин орада Оролбўйидаги аграр соҳага ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги кўмагида янги техникаларга эга бўлади. Хусусан, 244 та техника лизинг асосида, 61 таси эса банк кредити эвазига сотиб олинади.

Қайд этиш керакки, ҳозиргача мулкдорларга 81 та янги техника етказиб берилди. Талабномаларга кўра, ҳайдаш, экиш тракторлари ҳамда дон йиғиш комбайнларининг дастлабки туркуми тез орада Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Ҳўжайли, Шуманай, Нукус ва Қораузак туманлари фермерларига топширилади. Шу билан бирга, Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа туманларидаги муқобил машина-трактор парклари Жаҳон банкнинг «Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурслари бошқарувини яхшилаш» лойиҳаси доирасида янги пахта териш машиналари ҳисобига янада кенгайди.

Бир йилда 1,1 млн. дона маҳсулот

Шу йилнинг охиригача Хитойнинг Uzhongkong компанияси «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида уяли телефон, планшет, компьютер, ноутбук ва телевизор чиқарувчи янги корхонани ишга туширади, дея хабар беради «Finance.uz». Корхонанинг лойиҳавий қуввати йилига 1,1 млн. дона маҳсулотга тенг бўлиши режалаштирилмоқда. Дастлабки босқичда 770 мингта замонавий қурилма ишлаб чиқарилади. Лойиҳага киритилган инвестициялар ҳажми эса 3,8 млн. доллар.

Мусурмон РЎЗИЕВ.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2004 йилда Ходжаев Шухрат Хамидович номига берилган (1319/04 рақам билан рўйхатга олинган) В № 152499-сонли бакалавр дипломи йўқолгани сабабли бекор қилинади.

САЙЁРА, АЁҲАТ, АЙЁҲ

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустақамлашга хизмат қилиб келган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Бугун эса ана шу соҳа иқтисодиётда ҳам ўз ўрнига эга бўлди

Акбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr»

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO)нинг маълум қилишича, дунё ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўндан бир қисми, инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғи айнан туризм ҳиссасига тўғри келмоқда. Сайёҳлар оқими йилига 4-5 фоиз ўсаётир. Халқаро туризм келтирадиган даромад 1995 йилда 373 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич йилига 1 триллион АҚШ долларидан ошади. Таҳлилчиларнинг фикрича, айни пайтда туризмнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи ошиб, унинг савдо соҳасидаги улуши сезиларли равишда кўпаймоқда. Дунё бозорига туризм маҳсулотлари нефть савдосига яқинлашиб қолди. Эътиборга молик жиҳати — назкур соҳада бугун 235 миллион кишининг бандлиги таъминланган.

UNWTOнинг маълумотларига қараганда, 2014 йил туризм учун энг яхши йил бўлган. Жаҳонда сайёҳлар сони 5 фоизга ошиб, 1 млрд. дан зиёд киши сайёҳатга чиққан.

— Халқаро майдонда нисбатан мураккаб вазият юзага келганига қарамай, 2014 йилда туризм соҳасида рекорд кўрсаткичлар қайд этилди, — дейди назкур ташкилот бош қотиби Толиб Рифоий. — Сайёҳлик том маънода иқтисодий юксалтиришга хизмат қилаётган муҳим тармоқлардан бирига айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, назкур соҳада кўп нарса унга йўналтирилмаган инвестициялар даражасига боғлиқ. Шу боис бугун

дунёнинг кўплаб мамлакатларида туризм нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам фаол қўллаб-қувватланаётганини кузатиш мумкин. Вазиятга чуқурроқ ёндашсак, бугун туризм аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали усулларидан бири сифатида ўзини намён қилмоқда. Биз ҳар доим ҳукуматларни соҳага оид расмийликни йўқотиш, ҳужжатлар расмийлаштирилишини осонлаштириш, шунингдек, ахборот ва коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга чақираймиз. Чунки бугунги сайёҳ мавжуд тартиб-қоидаларнинг оддий ва қулай бўлиши, бу борадаги барча ишлар тез ва арзон нарҳда амалга оширилишига жиддий эътибор қаратаёпти.

Масалан, Италияда сайёҳлардан меҳмонхонада ўтказилган ҳар бир тун учун қўшимча 3 евро ундирилади. Турт ва беш юлдаузи меҳмонхоналарда бу миқдор 4 еврони ташкил этади. Лекин, шунга қарамайдан, Европа сайёҳларни жалб қилиш бўйича етакчиликни сақлаб турибди.

Шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез тақдорланаётган иқтисодий ва молиявий инқирозлар халқаро туризм ривожини йўлида ҳам турли муаммолар туғдириб, унинг олдида янги-янги талаблар қўймоқда. Туризмнинг самардорлигини белгилайдиган энг муҳим омиллар эса, ҳеч шубҳасиз, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборатдир. Халқаро терроризм ва экстремизм, тобора авж олаётган радикализм, маҳаллий урушлар ҳамда бир жойдан иқкинчи жойга боришда хатарлар пайдо бўлаётгани туризмни ривожлантиришдаги

ҳар қандай саъй-ҳаракатни йўққа чиқарадиган тўсиққа айланганини исботлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.

Ана шу сабаблар оқибатида кечагина туризм гуркираб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин камайгани ёки бутунлай тўхтаб қолганини аниқлаш қийин эмас. Мисол учун, сайёҳлар

оқимининг қорраҳаси бўлиб келган Сурия ва Ироқдан илгари йил бўйи сайёҳларнинг қадами узилмаган. Тўғри, бу ерларда аввалги тарихий қадимколлар сақланиб қолган. Аммо сайёҳларнинг хавфсизлиги учун ҳеч ким қафолат бера олмаяпти. Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса туризмни ривожлантириш сувсиз ерга экин экишдек гап.

Таъкидлаш жоизки, туризм ҳамда туристик хизматларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида сўнгги йилларда унинг нонъянавий турлари — экотуризм, агротуризм, археологик ва этнографик, экстремал шароитлар туризми ва бошқалар шакллани бошлади, бугунги кунда назкур йўналишлар мутахассислар томонидан тез тараққий қилаётган соҳалар сифатида эътироф этилмоқда.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда экотуризмнинг сайёҳлик бозоридан улуши 10-14 фоизни ташкил этаётир. Ёдингида бўлса, БМТ 2002 йилни «Экологик туризм йили» деб эълон қилган эди. Бу қарор экотуризм соҳасида ҳаваскор ва касб билан боғлиқ туризм тармоғи-



га бўлган қизиқишнинг ортishi ва саёҳатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Экотуризмнинг ривожланиши сайёҳларни табиат қўйнига кенроқ жалб этиш билан бирга, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Экотуризмдан нисбатан кичик давлатлар ҳам катта

даромад олаётир. Мисол учун, ҳар йили Кения-1,4, Эквадор-1,18, Коста-Рика-1,14, Непал-1,55 миллион АҚШ долларини миқдорига даромад олади. Эътиборлики, ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан олган даромади мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 70-80 фоизини ташкил этаётир. Бундан ташқари, биргина Канадада ёввойи табиатга саёҳат туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25 фоизини ташкил этади. Мамлакат ҳукумати фақатгина экотуризмдан тушган солиқ ҳисобидан ҳар йили 1,7 миллиард АҚШ долларини миқдорига фойда олади. Бу эса ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан 5 баробар кўпдир.

Ўзбекистонда ҳам муштаклилик йилларида замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Сайёҳлар оқими мунтазам ортиб бораёпти.

Ватанимиз тарихий қадимколлари кўплиги бўйича етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Ўзбекистонда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд,

Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал ва маданий йўналишлари, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби кўплаб турлари жадал ривожланыапти. Шунингдек, янги сайёҳлик

йўналишлари ишлаб чиқилган, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, транспорт коммуникациялари барпо этилаётгани натижасида юртимизга келаётган сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. 2011-2013 йилларда мамлакатимизга келган хорижий туристлар сони 129,5 фоизга ошди. Сайёҳлик хизматлари ҳажми 175,8 фоиз, шундай хизматлар экспорти 180,2 фоиз ўсди. Мингдан ортиқ сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 550 туроператор ва агентлик, 500 дан зиёд меҳмонхона уларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир гушаси ўзига хос аъёнана, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан ажралиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани ва сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашганга боис мамлакатимизда ички туризм ҳам тобора ривожланмоқда. Ҳар бир ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар ишлаб чиқилган. Масалан, тарихий обидалар камроқ бўлган жойларда экотуризм, геотуризм,

тоғли зоналарда экстремал туристик хизматлар ташкил этилмоқда. Сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларга мувофиқ, маданий мерос объектларини реставрация қилиш, туристик объектларни қуриш ва таъмирлаш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор лойиҳалар амалга ошириляпти.

Ўтган йили Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилгани ҳам мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятидан дарак бўлиб, у хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилмоқда. Сессия дунёнинг етакчи экспертларига жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболлари хусусида тажриба алмашиш, янги тенденциялар, долзарб муаммоларни муҳокама қилиш имконини берди.

Бундан ташқари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимиз олий даражадаги учрашувлар, халқаро конференциялар, нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётганини бугун бугун дунё билади. Юртимиздаги мустақам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекиона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туризм ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ҳаракатга келтирувчи куч сифатида муҳим тармоқ эканини тобора кенроқ намён этмоқда.

амалга оширилишини қайд этиш жоиз.

Танловнинг виллоят битирган ҳолда ушбу кичик гуруҳларда амалий машғулотлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Шу ўринда голиб ва совриндорларни тақдирлаш Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Савдо-саноат палатаси томонидан

қадқоқлаш, етказиб бериш тартибларига эътибор қаратилади ва энг юқори баҳоланган ишларга танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилади.

Танловнинг иккинчи босқичида иштирокчиларга маблакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳорат дарслари ташкил этилиб, жамғарма ва Савдо-саноат палатаси назкур масала-

лар юзасидан бево-сита масъул бўлган мутахассисларни битирган ҳолда ушбу кичик гуруҳларда амалий машғулотлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Шу ўринда голиб ва совриндорларни тақдирлаш Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Савдо-саноат палатаси томонидан

қадқоқлаш, етказиб бериш тартибларига эътибор қаратилади ва энг юқори баҳоланган ишларга танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилади.

Танловнинг иккинчи босқичида иштирокчиларга маблакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳорат дарслари ташкил этилиб, жамғарма ва Савдо-саноат палатаси назкур масала-

лар юзасидан бево-сита масъул бўлган мутахассисларни битирган ҳолда ушбу кичик гуруҳларда амалий машғулотлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Шу ўринда голиб ва совриндорларни тақдирлаш Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Савдо-саноат палатаси томонидан

қадқоқлаш, етказиб бериш тартибларига эътибор қаратилади ва энг юқори баҳоланган ишларга танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилади.

Танловнинг иккинчи босқичида иштирокчиларга маблакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳорат дарслари ташкил этилиб, жамғарма ва Савдо-саноат палатаси назкур масала-

лар юзасидан бево-сита масъул бўлган мутахассисларни битирган ҳолда ушбу кичик гуруҳларда амалий машғулотлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Шу ўринда голиб ва совриндорларни тақдирлаш Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Савдо-саноат палатаси томонидан

қадқоқлаш, етказиб бериш тартибларига эътибор қаратилади ва энг юқори баҳоланган ишларга танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилади.

Танловнинг иккинчи босқичида иштирокчиларга маблакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳорат дарслари ташкил этилиб, жамғарма ва Савдо-саноат палатаси назкур масала-

лар юзасидан бево-сита масъул бўлган мутахассисларни битирган ҳолда ушбу кичик гуруҳларда амалий машғулотлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Шу ўринда голиб ва совриндорларни тақдирлаш Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Савдо-саноат палатаси томонидан

қадқоқлаш, етказиб бериш тартибларига эътибор қаратилади ва энг юқори баҳоланган ишларга танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилади.

Танловнинг иккинчи босқичида иштирокчиларга маблакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳорат дарслари ташкил этилиб, жамғарма ва Савдо-саноат палатаси назкур масала-

СУҲБАТДОШ

Мактабдан — коллежга, коллеждан — катта ҳаётга

Тошкент шаҳар Халқ таълими ҳамда Урта махсус касб-хунар таълими бошқармалари томонидан «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига жалб этиш ва академик лицей, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳозирги кунда пойтахтдаги 287 та мактаб, 17 та махсус мактаб ва мактаб-интернат, 30 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритаятир.

— 2015 йилги инвестиция дастурига мувофиқ 19 та таълим муассасасида курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, — деди шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиги Элёр Анбаров. — Ушбу мақсадлар учун 25,6 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилган. Мактабларда инглиз тилини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакиси ва касб маҳоратини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 27 та таянч мактаби ташкил этилиб, уларда 52 нафар тренер томонидан 1623 нафар ўқитувчи учун ҳафталик малака ошириш курслари фаолият юритмоқда. Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимида жами 41 та академик лицей ва 79 та касб-хунар коллежи мавжуд бўлиб, 2013-2014 Уқув йилида уларни битирган 23119 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланган. Мазкур бошқарма бошлиги Фаруҳ Иноятнинг таъкидлашича, жорий йилда 139 та мутахассислик бўйича 25111 нафар ўқувчи корхона ва таъкидотларда амалиёт ўташини ташкил этиш ва кейинчалик иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Мухтар айтаганда, мактаб ва коллеж битирувчиларининг истиқбол манзиллари аниқ. Таллаш ихтиёри эса уларнинг ўзларига ҳавола.

Дилноза НОМЗООВА.

MDISга — ISO 9001:2008

Тошкентдаги Сингапур менежментини ривожлантириш институти (MDIS)га мазкур олий таълим муассасасининг фаолияти халқаро ISO 9001:2008 стандартига мослиги тўғрисида мувофиқлик сертификати топширилди. Университет ахборот хизматининг маълум қилишича, сертификатлаштириш бўйича аудит ишлари «SGS Tashkent» компанияси томонидан олиб борилган бўлиб, мутахассислар институтида «бошқарувда етакчилик» тамойили талаб даражасида амалга оширилаётганини эътироф этиб, менежмент сифатига юқори баҳо берганлар. Шу ўринда ISO 9001 сертификати эга бўлиш нажбурий эмаслигини, Ўзбекистон Президенти қарорига асосан 2007 йилда ташкил этилган MDIS ушбу сертификатни қўлга киритган мамлакатимиздаги ilk олий таълим муассасасига айланганини айтиб ўтиш лозим.

— Азизим, биз остида туриб танишган чинор ёдингиздами?
— Кекса чинорми?
— Ҳа. Чақмоқ тегиб, ёниб кетибди.
— Ажаб бўпти! Бу ҳам кам унга!..

— Хотин! Лотереяга катта пул ютиб олдим. Энди биз боймиз, тушунясанми, боймиз!
Хотин эрига шубҳа аралаш қараб турди-да, сўради:
— Қани, айтингчи, лотереяга пулни қаердан олдингиз?

Икки дўст суҳбатлашяпти:
— Бошлиқнинг хонасидаги столга қаттиқ муштлаб, маошимни оширишни талаб қилдим.

Осиё футбол конфедерациясининг Куала-Лумпур шаҳридаги қароргоҳида 2018 йил Россияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ҳамда 2019 йил БААда бўлиб ўтадиган қитъа кубоги саралаш баҳслари учун куръа ташланди. Унга кўра, «Н» гуруҳидан ўрин олган ҳамюртларимиз Баҳрайн, КХДР, Яман ва Филиппин футболчилари билан беллашадиган бўлди.

Миржалол ҚОСИМОВ:

«МУХЛИСЛАР КАЙФИЯТИНИ КЎТАРАМИЗ»

«XXI asr» газетасига интервью берган миллий терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов ана шу баҳсларга кўрилаётган тайёргарлик, янги тизим, навбатдаги рақиблар, шунингдек, ўзбек футболда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Филиппиндан ташқари барча жамоалар билан илгари беллашганмиз, — деди куръа натижаларига ўз муносабатини билдирган бош мураббий. — Баҳрайн, Шимолий Корея ва Яман жамоалари рақибга муносиб қаршилик кўрсата олади. Бу эса гуруҳ учрашувлари муросасиз баҳсларга бой бўлади, деганидир. Аммо шунга қарамай, ишончим комилки, биз ортиқча қийинчиликларсиз бешта жамоа орасида энг яхши натижани қайд этамиз. Ўз навбатида, янги тартиб-қоидаларга мувофиқ, жаҳон чемпионати ва Осиё кубоги мусобақаларининг саралаш босқичлари қўшиб юборилганини айтиб ўтиш жоиз. Яъни, бирлаштирилган квалификация баҳсларининг жорий йил июнида бошланбди, 2016 йил мартга қадар давом этадиган босқичида энг яхши натижаларга эришган терма жамоалар қитъа чемпионатида иштирок этиш ҳамда «ЖЧ-2018» йўлланмалари учун курашиш имкониятига эга бўлади.

— Янги тизимнинг терма жамоалар фаолиятига таъсири ҳақида нима дея оласиз?

— Менимча, бу ўзгаришлар федерациялар ишини осонлаштириб, мураббий ва ўйинчиларга анча энгиллик туғдиради. Масалан, хорижда тўп сурадиган футболчиларни терма жамоаларга чақириш жараёнини олайлик. Бу ҳолатда легионернинг жароҳат олишидан ҳафсирганга клуб раҳбарияти футболчисига рухсат беришга шомилмайди. Қолаверса, саралаш ўйинлари ўй-сафар тизими бўйича ўтказилади. Осиёнинг бошқа қитъаларга нисбатан катталиги, бунинг учунга бир неча йил аввал Австралия ҳам ОФКга қабул қилинган кўпчиликлари маълум. Шундай экан, квалификация баҳслари бир-

лаштирилганидан сўнг федерациялар ўз сарф-харajatларини қисқартириш имкониятига эга бўлиши, футболчилар эса оғир йўл азобининг бир қисмидан қутулишлари табиий.

— Сир бўлмаса, таркибнинг қайси чизикларига янгилик киритишни режалаштираясиз? Терма жамоанинг асосий дарвозабони Игнатий Нестеровнинг бугунги аҳволи қандай?

— Таркиб ҳақида гапириш ҳозирча эрта, деб ўйлайман. Бугун яхши ўйнаб турган футболчи эртага ўзини ёмон ҳис қилиб, майдонга туша олмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам янгилик ва ўзгаришларни учрашувлар арасида, футболчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини инобатга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Нестеровга келсак, айни пайтда унинг аҳволи анча яхши. Тикланиш жараёнини бошдан кечираётган дарвозабон ўз клубининг ўринбосарлар жамоаси иштирокидаги учрашувларда майдонга туша бошлаган. Игнатий бундан кейин ҳам барқарор ўйин намойиш эта олишини исботласа, уни албатта таркибга жалб қиламиз.

— Терма жамоанинг саралаш баҳсларида яхши натижаларни қайд этиши учун шу кунгача қандай чоралар кўрилди? Яна нималар қилиш кўзда тутилган? Навбатдаги ўртоқлик учрашувлари қачон ва қайси терма жамоаларга қарши ўтказилади?

— Хабарингиз бор, ана шу саралаш босқичига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Футбол федерациясининг Терма жамоалар билан ишлаш маркази томонидан ўқув-машғулот йиғинлари ва назорат йиғинлари ташкил этиб берилди. Жанубий Корея ва Японияга қарши ўтказилган ўртоқлик учрашувларида йўл қўйилган хатолардан тегишли хулосалар чиқараялмиз. Навбатдаги назорат учрашувини саралаш баҳсларига старт берилган кун, яъни жорий йилнинг 11 июнига белгилашни (куръага кўра, шу

кун) Ўзбекистон терма жамоаси дам олади, биринчи учрашувини эса 16 июнь кун КХДРга қарши ўтказилади — Ш.Х.) мўлжаллаб турибмиз. Рақибнинг номи энди маълум бўлади. Зеро, куръагача бу борада бошқа федерациялар билан музокаралар олиб боришнинг имкони ҳам йўқ эди.

— Балки бу саволни айнан Терма жамоалар билан ишлаш марказига бериш керакдир, аммо бизни сизнинг бу борадаги фикрингиз қизиқтирмакда: Ўзбекистон терма жамоаси ўртоқлик учрашувлари доирасида қачон Европа, Африка ёки Америка вакиллари билан куч синашди?

— Тажрибамдан келиб чиқиб айтманки, ўртоқлик учрашувларини ташкил этиш осон иш эмас. Бунда, аввало, бўлажак рақибнинг иш режаси инобатга олинши, учрашув жойи, вақти ҳамда маблағ билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиши керак. Тан олиш жоиз: Терма жамоалар билан ишлаш маркази кейинги вақтда бизга бир мунча кучли рақибларни рўбарў қилмоқда. Ишончим комилки, яқин келажақда халқаро майдонда яхши натижаларга эриш-сак, номдор жамоаларнинг ўзи бизга тақлиф билан чиқади.

— Ўғлингиз Миржамол ёшлар терма жамоаси таркибига мунтазам майдонга тушиб, голлар киритаяпти. Фарзандингиз ўз олдида қандай мақсадларни қўйган? Ота сифатида унга қандай йўл-йўриқ кўрсатаясиз?

— Айни пайда ўғлим тўп сурадиган ёшлар терма жамоаси кейинги ой Янги Зеландияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Фурсатдан фойдаланган ҳолда йигитларга омад тилаб, улардан совринли ўринларни эгаллаб қайтишларини сўраб қоламиз. Миржамолга келсак, унга ҳар доим ўз устингда хали кўп ишлашинг керак, тинимсиз меҳнат билангина бирон натижага эришинг мумкин, деб ўқтираман. Ёшлар аввало мураббийлар ишончини қозо-

ниб, клубларида барқарор ўйин намойиш эта оладиган футболчи даражасига етишишни мақсад қилиб олишлари керак. Ундан кейин бошқа оруз-ҳаваслар ҳақида ўйласа бўлади.

— Баъзи мухлислар терма жамоада фақат катта тажрибга эга футболчилар тўп суриши тарафдори эканини маълум қилса, айримлар ёшартириб туриш керак, деган фикрни илгари суради. Сиз бунга нима дейсиз?

— Мухлислар фикрини ҳурмат қилиб айтманки, ҳар бир мураббий мавсум арасида, шунингдек, ўйиндан аввал ўзи ва шогирдлари олдида маълум бир мақсадларни қўяди. Айтмайлик, баъзида жамоа фақат натижа учун ўйнаши лозим бўлади. Айрим ҳолларда мураббий келажақни ўйлаб, учрашув арасида таркибга ёшларни жалб этишга ҳаракат қилади. Ўз навбатида, мураббийлар ҳар бир футболчига, унинг жисмоний ҳолати ва маҳоратига қараб алоҳида ёндашиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Зеро, фаолиятимиз давомида 17 ёшли «тугма истеъдод»ларнинг ажойиб ўйин кўрсатиш катталар билан тенгма-тенг ўйнаганини ҳам, айрим футболчилар 35 ёшида майдонда ўзини ёш йигитлардек ҳис қилиб, шунга яраша тўп сурганини кўрганмиз.

— Сизни юртимиз футболнинг фахри деб биладиган қандай мухлисларга айтадиган гапларингиз бўлса керак...

— Аввало, уларнинг барчасига чин юракдан соғлиқ-саломатлик тилайман. Хонадонларида доимо тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурсин. Зеро, осийшта ва осуда мамлакатлардагина маданият, спорт, таълим-тарбия каби соҳаларга эътибор қаратилади, ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсишига аҳамият берилади. Сўзим якунида эса мухлисларимизга уларнинг кайфиятини кўтаридиган галабаларни қўлга киритиш учун бор куч-ғайратини ишга солишимни айтиб ўтмоқчиман.

Суҳбатдош: Шуҳрат ХУЖАЕВ.

Кучлилар сараланди

«Шўртангазим» мажмуасига қарашли «Геолог» шахмат мактабида юздан ортиқ бола спортнинг ана шу тури бўйича шугулланиб келмоқда.

Улар мамлакат миёсида ўтказиладиган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти. Хусусан, бу йил «Қамолот шахмат тахтаси»нинг вилоят босқичида иштирок этган Феруза Қурбонова 10 ёшли спортчилар ўртасида, Акмал Қаримов эса 12 ёшлилар орасида тенгсиз деб топилиб, Навоий шаҳрида ўтказиладиган Республика биринчилигида қатнашадиган бўлишди.

Яқинда бу ерда халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгаши О'зLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Геолог-Олеп» шахмат мусобақаси ташкил этилди. Швейцарча тизимдаги мазкур турнир давомида вилоятнинг барча туманларидан келган 6-8, 10-12, 10-14 ёшли шахматчилардан кучлилар саралаб олинди. Энди улар жорий йилнинг августда Қозоғистонда ўтказиладиган халқаро турнирда иштирок этиш учун тайёргарлик кўрадилар.

— Бугунги мусобақани ташкил этиш жараёнида депутатлик гуруҳимиз аъзолари бош-қош бўлдилар, — дейди Қарши шаҳар кенгаши депутати Сурайё Ўринова. — Ўз навбатида, депутатларимиз кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини спорт билан шугулланишлари учун яқиндан ёрдан бериб келаётганини, йил охирига қадар таълим муассасалари ва маҳаллаларда гуруҳимиз ташаббуси билан ўттиздан ортиқ ана шундай мусобақа ташкил этиш режалаштириладиганини айтиб ўтиш лозим.

Сайфулла ИКРОМОВ.

Бизнес-форумда билганларимиз

Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Тошкентда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган навбатдаги бизнес-форумда бу жиҳат алоҳида эътироф этилиб, қатор йўналишлар бўйича янги келишувларга эришилди. Тадбир аввалида ўтказилган юртимизнинг иқтисодий салоҳиятига доир тақдиротда шулар қатори икки томонлама тузилган 100 дан ортиқ шартнома асосида олиб бориладиган ишлар аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Айтish жоизки, бугунги кунда республикамизда Польша инвестицияси иштирокида 22 та савдо-сотик, энгил санаят, озик-овқат, сайёҳлик санаяти, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш йўналишларидаги корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 4 таси 100 фоз мазкур мамлакат капитали асосида фаолият кўрсатмоқда.

— Ушбу мулоқотда Польшанинг 10 дан ортиқ компаниялари иштирок этаётган бўлиб, уларнинг аксариятини кичик бизнес вакиллари ташкил этади, — дейди Польша Савдо-саноат палатаси раиси жаноб Ришард Тужанский. — Мақсадимиз ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон бозорига янги ҳамкорларни топилганин иборат. Польшалик тадбиркорлар мазкур учрашув доирасида юртимиздаги замонавий корхоналарни ҳам бориб кўрдилар. Савара АЗИМОВА.

Ўзйорар банкоматлар

Польшада фаолият кўрсатувчи «Idea Bank» ўтган ҳафтадан мижозларига янги хизмат турини тақдим эта бошлади. Шундан сўнг польшалик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нақд пул билан боғлиқ операцияларини махсус автоматбиларга ўрнатилган кўчма банкоматлар орқали амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Маълумотларга кўра, мазкур банк «BMW i3» электромобилларини қайта жиҳозлаб, банкомат ва депозит кутиларини машинанинг орқа ўриндиқлари ўрнига ўрнатган. — Мижозларимизнинг қарийб 45 фоизи банкка тўловларни амалга ошириш ёки маблағларини нақд қилиб олиш учун келадилар. Ушбу хизмат турини йўлга қўйганимиздан сўнг уларнинг вақти тежаллади, — дейди банк бошқаруви раиси Ярослав Августиняк. — Қолаверса, биз ҳам банк шохобчаларини очиб учун сарфланадиган маблағимизни иқтисод қилиб қоламиз. Хабар қилинишича, ушбу тизимга айни кунда тўртта автомобиль жалб қилинган бўлиб, банк яқин вақт ичида улар сонини 40 тага етаклашни режалаштирган.

Ўз мухбиримиз.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси О'зLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Тўрабек Назаровга акаси **Жўра ТУРСУНБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ОБ-ҲАВО



Қолган кунлари тунда +13...+18, кундузи эса +25...+30, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида +32...+37 даражагача кўтарилди. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда термометр миллилари кечаси +13...+18, кундузи эса +23...+28 даражани кўрсатади.

Маълумотларга кўра, Кубада йил бошидан ёгин-сочинли кунлар режадагидан 63 фоз кам бўлгани боис мамлакатда сувни тежашга қаратилган фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Бундан кўпроқ қишлоқ хўжалиги соҳаси азият чекиши, айни экин-тикин палласида булғуси ҳосил тақдири табиат инжиқликларига боғлиқлиги ачинарлидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда ҳафта давомида ҳаво ҳарорати ўзгариб туради. Баъзи жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Хусусан, дам олиш кунлари ҳарорат бироз пасайиб, кечаси +10...+15, кундузи +17...+22 даражани ташкил этади. Ҳафтанинг

РЕКЛАМА

3АЗ FORZA

Автомобили для жизни!

FORZA

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ») **www.sardor-avto.uz**
Товар сертифицирован.

ЎТТИМОЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — О'ЗБЕКISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 2737 Тираж: 15125
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди — 20.00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани номини кўрсатишни шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Марк Юсупов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Т.АБДУРАХМОНОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.